



Наврўз айёмингиз



Муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо



**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI**

1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 19-mart, № 12 (637)

Бош прокуратуранинг хайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Муσταқиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Прокуратура органлари томонидан маъруза қарор ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, амнистия тўғрисидаги қарор ижросини таъминлаш ва бу борада қонунбузишларнинг олдини олиш мақсадида тегишли орган-

жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилинган. Озод этилган шахсларнинг 1974 нафарини озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида ва тергов хибсхоналарида сақланаётганлар ташкил этган.

Қарорнинг 1-банди «а» кичик банди биринчи марта жиноят содир этган 2030 нафар аёлларга, «б» кичик банди жиноят содир этган вақтида 18 ёшга тўлмаган 463 нафар шахсларга, «в» кичик банди 83 нафар 60 ёшдан ошган эркакларга қўлланган. Жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи республика ҳудудидан ташқарида бўлган, Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун

БОШ ПРОКУРАТУРАДА

қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган 743 нафар маҳкум қарорнинг 5-бандига асосан манзил-колонияларга ўтказилган. Шунингдек, қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган 7753 нафар шахс томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан юритилган жиноят ишлари қарорнинг 6-бандига мувофиқ ҳаракатдан тугатилган, 838 нафар шахсга нисбатан эса жиноят ишини қўзғатиш рад қилинган.

Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатилган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ва

лар томонидан қувватланиши ҳолатларига йўл қўйилган.

Шунингдек, жазоларни ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий кўниктириш, соғломлаштириш, иш билан таъминлаш борасида ҳам қонунбузишларга йўл қўйилган. Хусусан, амнистия актини қўллаш тартиби ҳақидаги Низомнинг 16-банди талабига зид равишда амнистия қарори асосида жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида айрим жойларда алоҳида ҳудудий комиссиялар тузилмаган.

Равшан МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш

Фидоқоронинг фаровонлигини ошириш, Ватанимиз равақли йўлида фидоқоронга меҳнат қилишга чорлайди

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш тамойилининг тарбиялангани ҳақиқий демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланган, уларга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар марказида биринчи ўринда инсон туради.

«Инсон ҳуқуқлари» кенг қамровли тушунча бўлиб, у туғилишдан тортиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида фуқаронинг эркин иштироки асосида бўлган ҳуқуқларини қамраб олади. Халқроқ даражада бир томондан, фуқаролар ва сиёсий ҳуқуқлар ва иккинчи томондан, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар фарқланади. Айни пайтда инсоннинг барча ҳуқуқлари универсал, бўлимас, ўзаро боғлиқдир.

1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари бўйича алоҳида бўлим маъжуд бўлиб, у инсоннинг турли ҳуқуқларини, шунингдек, айрим мажбуриятларини кафолатлайди ва қўзда тутади. Конституцияга мувофиқ қабул қилинган қонунларда Асосий қонунда мустақкамланган инсон ҳуқуқлари ўз ифодасини топган.

(Давоми 3-бетда).

Қарор ижроси муҳокамада

ларнинг таърибли ходимларидан иборат тезкор гуруҳлар ва ишчи гуруҳлари ташкил этилган. Шунингдек, жойларга Бош прокурор, Олий суд Раиси, Миллий ҳавфсизлик хизмати Раиси ва Ички ишлар Вазирининг қўшма кўрсатмаси юборилган.

Бевоасита прокуратура органлари томонидан оммавий ахборот воситаларида, шунингдек ташкилотларда, меҳнат жомаларида, жазо ўташ жойларида ва маҳалаларда амнистия тўғрисидаги қарорнинг мазмун-моҳиятини тушуништириш борасида 3300 дан зиёд тарғибот тадбирлари ўтказилган.

Утган йилнинг 15 декабрига қадар ушбу қарор талаблари судлар томонидан уларнинг иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича, шунингдек, прокурорларнинг 13 минг 755 та илтимосномалари асосида жами 21 минг 19 нафар шахсга нисбатан татбиқ этилиб, уларнинг 20 минг 276 нафари

қонуний асослари бўлмаган 56 нафар чет эл фуқаролари қарорнинг «г» кичик банди асосида озод этилиб, мамлакатдан депортация қилинган.

Эҳтиётсизлик орқасида, шунингдек, биринчи марта ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир қилган 7854 нафар шахсга нисбатан қарорнинг 2-банди татбиқ этилган.

Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқсинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган 294 нафар шахсга нисбатан қарорнинг 3-банди, озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган 905 нафар маҳкумга нисбатан эса қарорнинг 4-банди қўлланилган.

Озодликдан маҳрум қилиниб,

ҳимоясини таъминлаш борасида ҳам тегишли ишлар амалга оширилган. Хусусан, тергов хибсхоналари ва колониялардан бўшатилганларнинг 1414 нафарини кўникма марказларига муружаат қилган бўлиб, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва бошқа турдаги ёрдамни кўрсатиш мақсадида вилоятлар бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобидан 1412 нафар шахсга 196,4 млн. сўм пул тарқатилган.

Амнистия актининг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда қийин ҳолат ва камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Жумладан, суриштирувчилар, терговчилар ҳамда жиноий жазоларни ижро этувчи идоралар томонидан амнистия актини қўллаш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида прокурорларга асоссиз тақдимномалар киритиш ҳамда айрим асоссиз тақдимномаларнинг прокурор-

Ҳайъат мажлисида амнистия аклари ҳар бир шахсга нисбатан алоҳида, монеликисиз ва ҳолисона қўлланилиши устидан назоратни кўчатириш, амнистия аклари асосида жиноят ишини тугатиш, жиноят ишини қўзғатиш рад қилиш ёки маҳкумини тайинланган жазони ўташдан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномалар судларга киритилишида қонун талабларига қатъий риоя қилиниши таъминлаш, бу борада асоссиз илтимосномаларни қўзғатишга йўл қўймастик, амнистия акти асосида жиноят ишини тугатиш ёки жиноят ишини қўзғатиш рад қилиш билан боғлиқ ҳар бир ҳолат бўйича айбдорлардан етказилган моддий зарарни фуқаролик тартибда ундириш чораларини кўриш хусусида тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

М.ЭРМАТОВ,

Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

Баҳор табиатнинг уйғониш, борлиқнинг ёшариш ва янгилиниш фаслидир. Бу дилбар фаслда бутун олам гўзаллашиб, инсоннинг қалби эзгу ҳисларга тўлади, кўнгилда янги орзу-умидлар уйғонади. Ҳар доимгидек Наврўзнинг бу галги ташрифи ҳам барчамизни қувонтиради. Юртимизда Наврўз умумхалқ байрами сифатида зўр шодоналик билан кенг нишонланмоқда.

Мамлакатимизда баҳорга уйғун равишда жамият ва давлат ҳаётида катта ижобий ўзгаришлар юз бераётганини ҳаммамиз

ни қўлга киритганлигини таъкидлаб ўтганди. Бунинг тасдиғини авваламбор мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тарққийнинг барқарор суъратларида, аҳоли фаровонлигининг изчил ва мунтазам ошиб бораётганида, қишлоқ ва шаҳарларимиз янада обод бўлиб, янги қаҳқаҳа касб этаётганида, энг муҳими, юртимизда юз бераётган демократик янгилиниш жараёнида яққол кўриш мумкин.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг юртбошимизнинг ташаббуси билан 1999 йилдан бошлаб ҳар бир йилга ўзига хос ва ўзига мос ном

ларни реконструкция қилиш ҳисобига ёшлар учун 47 минг 900 та янги иш ўрни яратилиб, бу борадаги режа 239,2 фоизга бажарилиб. Кам таъминланган оилалар фарзандларидан 270 нафарининг никоҳ тўйлари, 267 нафар боланинг суннат тўйлари ўтказилди. Кам таъминланган 8100 та оилага уй қуриш ва таъмирлаш учун 4 млрд. 628,3 млн. сўмлик ипотека, 4015 та ёш

Комилжон ИСМОИЛОВ,
Қақшқарё вилоят прокурори

оилага уй-жой хижозлари ва рўзгор анжомлари содир олишлари учун 4 млрд. 277,9 млн. сўмлик истеъмол кредитлари берилди.

Бу рақамлар замирида униб-ўсиб келаётган фарзандларимизга янада кенг йўл очиб бериш, уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб воёга етишлари, замонавий билим олишлари, ўз қобилияти ва имкониятларини намоян этишлари учун давлатимиз, жамиятимиз томонидан шароит тугдириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, бир сўз билан айтганда, навқирон авлодни биз

ТАҲЛИЛ

кураётган янги жамиятнинг ҳал қилувчи кучига айлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг туб моҳияти муҳкамдир.

Дастур ижросини таъминлашда прокуратура ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси қўшилганини таъкидлаш ўринлидир. Утган йили қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига қўра 27 минг 500 дан ортик прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган бўлса, шунинг аксарияти бевоасита

Халқ фаровонлигининг ишончли кафолати

қўриб-билиб турибмиз. Зеро, худди баҳор борлиқни уйғотганидек, муσταқиллик ҳам ҳар биримизнинг қалбимизга умид бахш этиб, онгу тафаккуримизга янгиликлар олиб кирди, мамлакатимизда демократик янгилинишлар жараёнини бошлаб берди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганнинг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида муσταқилликдан сўнг халқимиз ўзининг азму шижоати ва фидоқорона меҳнати билан чўқурлиги ва кўламига қўра жуда улкан ундоқлар-

бериш аниъанга айланди. Маълумки, Утган 2008 йилга «Ёшлар йили» деб ном берилган эди.

Бутун мамлакатда бўлгани каби вилоятимизда ҳам «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 55 минг 616 ўқувчи ўринли 203 умумтаълим мактаби янгидан қурилди ёки капитал таъмирланди. 17 та касб-ҳунар коллежи ва 1 та ётоқхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларни, касаначилиқни ривожлантириш ва мавжуд корхона-

дастур ижросига тааллуқлидир. Воёга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ижроси бўйича утган йили 333 та текшириш ўтказилган. Текшириш натижаларига қўра 164 та норматив ҳужжатга нисбатан прокурор протести киритилиб, уларнинг ҳаммаси қаноатлантирилган. Воёга етмаганларни ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича қўрилган чоралар натижасида улар ўртасида жиноятчилик олдинги йилдагига нисбатан 18,5 фоизга камайган.

(Давоми 4-бетда).

Харбий хизматни адо этиш эр йигитда нафақат жисмоний етуқлик ва жанговар кўникмани, балки маънавий баркамоллик, ўзига ишонч туйғуси, мустақил фикрлаш, қатъият ва собитлик каби эзгу фазилатларни ҳам шакллантиради. Шу боис, бугун миллий армиямиз сафларинда йигитлик бурчини адо этаётган ўғлонларимиз келажагига муҳим пойдевор қўймоқда, десак асло хато бўлмайдми.

яроғлари билан бир қаторда унда хизмат қилаётган инсонларга ҳам кўп жиҳатлардан боғлиқдир. Миллий армия сафларида хизмат қилаётган ҳар бир ўғлон ўзининг тақдирини Ватан тақдирини билан чамбарчас боғлиқ эканини теран англамоғи лозим. Бунинг учун албатта, маънавий тарбия ишлари юксак даражада йўлга қўйилган бўлиши даркор.

Республика харбий прокуратураси ходимлари томонидан харбий қисм ва муассасалар кўмондонликлари билан ҳамкорликда ижтимоий сиёсий,

лани бирга ижтимоий сиёсий, ҳуқуқий-маданият тайёргарлик машғулоти ҳам изчил олиб борилади.

Мустақиллик энг азиз, энг улғу ва энг тогли неъмат. У она халқимизнинг азалий орзуси эди. Унга етмоқ илинжида не-не эркак ташна ўғлонлар жон фидо этдилар. Жуда қўллаб йўқотишлар эвазига қўлга киритилган мустақилликни сақлаб туриш ғоят мураккаб вазифадир.

Мустақиллигимизни кўра олмаган фарз мақсадли террорчи тўдларнинг юртимиз ҳудудига суқилиб кирмоқчи

МУҚАДДАС БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

Машғулоти ва тайёргарликлар уларнинг янада тобланишида асосий омил бўлаётми. Юртбошимизнинг «Миллий армиямиз мустақиллигининг, тинч ва оқсоқил шайхонларнинг мустақам кафолатидир» рисоласида шундай дейилади: «Армия сафларида ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий харбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақл заковати, интеллектуал салоҳияти, мустақам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатларни билан ҳам ажралиб туриши лозим».

Дарҳақиқат, қудратли армиянинг кучи замонавий техника ва қурол-

ҳуқуқий-маданият тайёргарлик машғулотларининг олиб борилиши муҳим ўрин тутди.

Маълумки, бугун ғоят мураккаб ва таҳликали даврда ашяямиз. Дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу нуқтасида манфур терроризм балоси турли кўринишларда бош кўтариб қолмоқда. Шунинг учун Ватан химоячиси вазиятни тезкор англаши ва ҳар доим хушёр туриб, Ватанини, халқимизнинг тинчлигини қўриқлаш шарт. Қуролли Кучларимиз ҳар қандай агрессорга муносиб зарба беришга қодир бўлмоғи зарур. Бунда салоҳият ва огоҳликни янада оширишни вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу боис, харбий қисм ва бўлинмаларда жанговар тайёргарликлар би-

бўлганлари, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг тоғлик ҳудудларида бўлиб ўтган воқеалар асло ёдимиздан чиқмайди. Ушанда Ватанинг асл ўғлонлари қўсини қалқон қилиб, оёй-шталлигимизни мардонавор химоя қилган ва хавфни бартараф этган эди. Улар билан бугун биз фурурланамиз, чунки улар бизнинг сафдош дўстларимиздир. Сафдошларимиз номидан баралла ишонтириб айтмамизки, зиммамиздаги масъулиятли вазифани, муқаддас бурчимизни сидқидилдан адо этиб, юртимиз сарҳадларини, истиқлолни ҳамisha мардонавор асраймиз.

Ёрқул САҲАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси харбий прокурорининг биринчи ўринбосари

Мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ишлохотлари жараёнида адвокатура институти ҳақон ҳуқуқшунослигининг андозаларига мос мақомга эга бўлмоқда. Суд мажлисида қўрилатилган ишларда айблов ва жиноятнинг тенглиги принципи қарор топмоқда. Ана шу мақсадни қўзлаб «Адвокатура тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ўз навбатида Жиноят-процессуал, Маъ-

туманларнинг прокурорлари, ИИБ бошликлари, тезкор ходимлари, терговчилари иштирокида ўтказилган семинарда Республика Бош прокуратураси прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси катта прокурори И.Мавлоновнинг матбузаси тингланди. Маърузачи тезкор вакиллар, терговчилар, адвокатлар ва жиноий қилмишда гумонланган ушланган шахсларнинг қонун-

тергов қилинаётганини адвокат билан тавминланган бўлса, қонунчиликка киритилган ўзгартиришларга мувофиқ ушланган, хатти-ҳаракатлари чекланган шахс дарҳол адвокат ёллаш, унинг иштирокида кўрсатма бериш ҳуқуқига эга бўлди. ИИБ ходимлари, тезкор вакиллар ушланган, хатти-ҳаракати чекланган шахсга адвокат ёллаш ҳуқуқини эслатишлари, айни чоғда уни ўзига қарши қўрсат-

АЙБЛОВ ВА ҲИМОЯ ТЕНГЛИГИ

мурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни тақомиллаштириш заруратини тугдирди. Республика Бош прокуратураси жойларда «Адвокатура институти тақомиллаштирилиши муносабати Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг маъмуни-моҳияти ҳамда уни амалда татбиқ этишга оид савнарларни ташкил этмоқда.

Фаргона шаҳридаги политехника институтида ҳуқуқ-тартибот органларининг тааллуқли бўлинмалари вакиллари, шаҳар ва

ларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларини шарҳлаб берди.

Чунончи, қонунда адвокатнинг шахс гумонланувчи тартиқасида ушланган ёки хатти-ҳаракатлари чекланган пайтдан бошлаб ишда бевосита иштирок этиши белгилаб қўйилди. Гумонланувчининг хатти-ҳаракатлари чекланган захоти адвокат ёллаш, унинг иштирокида кўрсатма бериш ҳуқуқи кафолатланди.

Илгари амалда бўлган қонун ҳужжатларида жиноий қилмиш учун ушланган шахс

ма бермаслик ҳуқуқига эгаллиги ҳусусида огоҳлантиришлари шарт. Шунингдек, ушланган шахсга дарҳол, чунончи, телефонда яқин кишилари орқали ёки бевосита адвоката билан боғлиниб, химоячи ёллаш имкониятини ҳавола этишлари зарур.

Мабодо, ушланган шахс химоячини ёллашдан воз кечишини баён этса, тегишли тартибда баённома тузиб, давлат ҳисобидан адвокатни ишга жалб этишлари, унинг иштирокида сўроқ қилишга киришишлари лозим. Нотик шунингдек, ҳуқуқ-тартибот орган-

Тадбиркор микролизинг олд

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қонунлар қаторида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2006 йил 6 май куни тасдиқланган «Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари курсатиш тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик низом ҳам катта аҳамиятга эгадир. Эеро, банклар томонидан маълум мақсадлар учун ажратилаётган микрокредитлар иқтисодиётимиз раванқида ўзига хос ўрин тутди. Бирок, бу борада қонунбузилиш ҳолатлари ҳам юз бераётганлиги қайд этилмоқда. Хусусан, акционерлик тижорат «Микрокредитбанк»нинг Шеробод туман бўлими томонидан фуқаро Нарғиза Улашованинг аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида тикув машиналари сотиб олиш учун 40 млн. сўм миқдорда микролизинг ажратилиш ҳақидаги аризаси асосида равишда сансалорликка солиб келинган. 10 ой давомида банкдан тегишли ёрдам ололмаган Нарғиза Улашова бу ҳақда вилоят прокуратурасига мурожаат этди. Вилоят прокуратураси аралашуви билан фуқаро Н.Улашовага 40 млн. сўм миқдорда микролизинг ажратилиши таъминланди.

Республикамик қонунчилигига асосан, ҳар бир фуқаронинг, жумладан тадбиркорлик билан шуғулланаётган кишиларнинг манфаатлари қатъий химояга олинган. Шу ўринда таъкидлаб ўтамизки, қонунбузилиш ҳолатларига дуч келганида фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга ўз вақтида мурожаат эта билишлари лозим.

Айни вақтда прокуратура органлари томонидан барча йўналишлар қатори тадбиркорлар фаолиятини ҳуқуқий химоя қилишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Эеро, тадбиркорлик ривожланган юртда иқтисодий фаровонлик ортади.

Аловуддин НИЯЗОВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг ўринбосари

Ўзбошимчалик кетмайди

Ўтган 2008 йилда Навоий вилоят прокуратураси органлари Карман туманида ердан фойдаланишнинг аҳоли юзасидан назорат тадбирларини ўтказдилар. Назорат тадбирлари давомида бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига дуч келинди.

Хусусан, аслида ваколати бўлмаса-да, фуқароларга ер ажратиб бериш эвазига пора талаб қилган «Нарпай» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Б.Нуриддинов, туман ҳокими ўринбосари – хотинқизлар кўмитаси раиси Н.Ахмедовалар жиноий жавобгарликка тортилган.

Баъзи фермер ҳўжалиги раҳбарлари гаيرқонуний ишларга қўл урганлар. Жумладан, «Тўлқин Бобокул» фермер ҳўжалиги раҳбари У.Бобокулов 0,16 гектар ерни фуқаро Ш.Усмоновга 1 млн. сўмга сотган бўлса, «Шавак Элёрбек» фермер ҳўжалиги раҳбари Ш.Баҳранов 0,9 гектар ерни 15 нафар фуқарога ўзбошимчалик билан уй-жой қуриш учун ажрати берган.

Ушбу иккала ҳолат юзасидан жиноят ишлари кўзгатилиб, айбдор шахсларга тегишли жазо тайинланди.

Тахлиллар шуни кўрсатдики, тумандаги назорат идоралари ва фермер ҳўжалиги раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатда кўпгина ерлар талон-торож қилинган. 2008 йилда 16 нафар фуқаро томонидан «Тўлқин Бобокул», «Шоҳида Мунира», «Барака тонг», «Барокат»

фермер ҳўжалиklarининг жами 2 гектар экин ерлари ўзбошимчалик билан эгалланиб, уй-жой қуриб олинган.

Шунингдек, текширишларда «Холик Содик» фермер ҳўжалигининг 65 балл бонитетли 1,2 гектар, «АБ-Босҳўжа АЗС» фермер ҳўжалигининг 76 балл бонитетли 0,35 гектар экин ерлари Ер кодекси талаблари бузилган ҳолда уй-жой ва бошқа қурилишлар учун ажратиб берилганлиги аниқланиб, прокуратура органларининг протестлари асосида қонунга мувофиқлаштирилди.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, фермер ҳўжалигига ер майдони кўп йил муддатга ижара шартномаси асосида берилди. Бундан, ерни нима қилсанг ўзинг биласан, деган маънони тундунши мутлақо хато. Бу борада ҳеч қачон ўзбошимчалик кетмайди. Фақат ва фақат мавжуд қонунларга асосланиб иш қурилади. Қолаверса, ер энг катта бойлигимиз. Элимизнинг ризку рўзи ер билан боғлиқлигини унутмаслик лозим.

Мақсуд ЖўРАЕВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Республикаимизда солиқ ва валюта муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш маамлакатимиз иқтисодий ривожланишида катта аҳамиятга эга. Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг Янгиариқ туман бўлими ходимлари томонидан жорий йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида тезкор-қидирув йўллари билан иқтисодий жиноятчиликка барҳам бериш йўлида бир қанча ишлар амалга оширилди.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

Тумандаги «Матбуот тарқатуви» масъулияти чекланган жамияти раҳбари вазифасида ишлаб келган О.Шарофов 2008 йилнинг январь ойидан буён ўзганинг мулкни ўзлаштириб келгани аниқланди. У тумандаги Маийшй хизмат қўрсатиш коллежига шартнома асосида 1 млн. 318 минг 148 сўмлик газета ва журналлар етказиб берган. Лекин 352 минг 359 сўмлик матбаа маҳсулотларини бюртмачига етказиб бермасдан сотиб, савдо пулларини ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган. Оқибатда фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказган.

Бундан ташқари, бўлим ходимлари томонидан тумандаги «Кен-

жабек Бобонур» МЧЖда тезкор маълумотлар асосида тахлилий ўрганиш ўтказилди. Аниқланишича, жамият раҳбари М.Қаландаров томонидан туман ДСИга 2008 йилнинг 3-чораги учун тақдим қилган ҳисоботларида товар айланмасини 69 млн. 70,9 минг сўмга камайтириб кўрсатган. Бу ҳаракати билан давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 3 млн. 453,6 минг сўмлик солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товланган.

Шунингдек, жамият раҳбари М.Қаландаров томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6

Маълум бўлишича, жамиятнинг 2009 йил 1 февраль ҳолатига ишчи-хизматчилар иш ҳақидан ушланган даромад солиғидан жами қарзи 383 млн. 90,9 минг сўмини ташкил қилган. Шундан асосий қарзи 284 млн. 431,7 минг сўм ва устамаси 98 млн. 659,2 минг сўм бўлгани ҳолда, давлат бюджетига жами 383 млн. 90,9 минг сўм миқдорда даромад солиғини тўлашдан қасддан бўйин товланганлар.

Бундан ташқари, жамиятнинг ўрганиш кунига қадар жами дебиторлик қарзи 83 млн. 955 минг сўмини, тўлов муддати ўтгани 21

июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддилаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларига зид равишда 79 млн. 963,4 минг сўмлик мажбурий тартибда сертификатланиши лозим бўлган ҳар хил турдаги қурилиш, сантехника материаллари, эҳтиёт қисмлари ҳамда мебель маҳсулотлари улғуржи ва чакана тартибда сотилиб, қарор талаблари қўпол равишда бузилган. Маъзур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга-тилди.

Шу билан бирга, бўлим ходимлари томонидан «Янгиариқ пахта тозалаш» ОТАЖда ўтказилган текширишда, бир қатор қонунбузилишлар аниқланди.

Комилжон РОЗУМБЕТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг Янгиариқ туман бўлими бошлиғи

(Давоми. Бошланғичи 1-бегда).

Республикада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини судда ҳамда суддан ташқари ҳимоя қилиш бўйича институтлар тизими шакллантирилиб, фаолият кўрсатмоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий механизми ҳақида сўз борганда шуни таъкидлаш жоизки, Адлия вазирлиги ҳам судлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий Маркази билан бир қаторда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланганидан ихтисослаштирилган асосий муассаса ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган, Адлия вазирлиги ва унинг органлари фаолиятида янги боқич бошланди. Биринчи навбатда, демократик ҳуқуқий давлатни мустақамлашга қаратилган давлат ҳуқуқий сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш борасида Адлия вазирлигининг роли кучайтирилди. Шу ҳақда, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси

рожаатларнинг 64,3 фоизиди фуқароларнинг ҳуқуқларини адлия органлари ёрдамида тиклашга эришилди. Жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш мақсадида тегишли идораларга 871 та тақдимнома киритилди, Улардан 810 тасининг ижроси таъминланди. Бундан ташқари, қонунга зид 15 та ҳужжатнинг ижроси тўхтатилган, 223 та ҳужжат ижроси эса бекор қилинган. 1120 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, уларнинг 100 нафари ағаллаб турган лавозимидан озод этилди. Мисол учун, Наманган шаҳар халқ таълим бўлимига киритилган тақдимномага кўра, Норин туманида истикомат қилувчи фуқаро Н.Рустамовнинг ишдан ноқонуний бўшатилгани ҳақидаги мурожаати кўриб чиқилиб, у лавозимига тикланди.

Шунингдек, киритилган тақдимномаларга мувофиқ фуқароларга 669 млн. сўмдан ортиқ пул тўланди. Жумладан, меҳнат ва иқтисодий масалалар соҳасида 342 млн. сўм, халқ таълими соҳасида 18,4 млн. сўм, бошқа масалалар юзасидан 309 млн. сўмдан ортиқ маблағ фуқаролар фойдасига ундирилган. «Ўзбекишлқок»

ҳар ҳокимлиги ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси И.Имонов ва фуқаро З.Қутлуломова жиноий жавобгарликка тортилди.

Адлия органлари томонидан судларга қиймати 393 млн. сўмдан ортиқ 1499 та даъво аризаси тақдим этилган. Уларнинг 1125 таси қаноатлантирилди, 1014 тасининг ижроси тўлиқ таъминланди. 103 та даъво аризаси бўйича суд қарорига мувофиқ 32 нафар мансабдор шахсдан етказилган 2,9 млн. сўмдан ортиқ маънавий зарар ва 7,8 млн. сўмдан ортиқ моддий зарар ундирилди.

Жумладан, суд қарорига биноан «4-қурилиш трести» ОАЖдан 218 нафар ишчига 46 млн. сўмдан ортиқ, «Мотор заводи» ОАЖдан 76 нафар ишчига 20 млн. сўмдан ортиқ иш ҳақлари тўланиши таъминланган. Маълумки, мамлакат иқтисодий-тени ривожлантиришда тadbirkorларнинг ҳиссаси каттадир. Шу муносабат билан тadbirkorларни қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларни муаммолиш рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш бўйича ишлар адлия органларининг доимий эътиборидан ўтган давр мобайнида 11 миң 543 нафар юридик шахс давлат реестрига киритил-

млрд. сўмга тенг 2205 та даъво аризаси судлар томонидан қаноатлантирилди.

Адлия органларига хоржий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокида тузилган корхоналардан 505 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 350 таси қаноатлантирилди, 97 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Хоржий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокида тузилган корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 275 та тақдимнома ва 111 та тақдир қиртилди. Натижада 244 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, тегишли органларга 48 нафар шахсни маъмурий жавобгарликка, 3 нафар шахсни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида тақдир қиртилди. 576 нафар мансабдор шахс расман оғохлантирилди.

Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни рўйбга чиқаришда, қонун устуворлигини таъминлашда адлия органлари шартномалар тузиш, ер ажратишда бевосита иштирок этишмоқда, тadbirkorлик субъектлари, асосан фермер ҳўжалиқларига ҳўқуқий маслаҳат беришмоқда. Жумладан, адлия органлари ходимлари қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари иш-

жат бугунги кун талаблари ва амалдаги қонун нормаларига жавоб беришга аниқланди ҳамда улар давлат реестридан чиқариб ташланди. Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан 359 та норматив-ҳўқуқий ҳўжат давлат рўйхатидан ўтказилди, 1222 та норматив-ҳўқуқий ҳўжатга тегишли ўзгаришлар киритилди.

Аҳолининг ҳўқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун ҳўжатларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, жамиятнинг ҳўқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат органларининг ҳўқуқий тарғибот бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш Адлия вазирлиги фаолиятида инсон ҳўқуқлари соҳасидаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Ушбу масалага давлатимиз раҳбарининг «Инсон ҳўқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 60 йиллигига бағишланган тadbirkorлар дастури тўғрисида»ги Фармонида ҳам алоҳида эътибор қаратилган эди. Ушбу фармонга мувофиқ, Инсон ҳўқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 60 йиллигига бағишланган тadbirkorлар дастури тасдиқланди. Маъзур дастурда Адлия ва-

Инсон ҳўқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш фуқароларнинг фаровонлигини ошириш, Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишга чорлайди

Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир чора-тadbirkorлар тўғрисидаги қарори Адлия вазирлигининг инсон ҳўқуқлари соҳасидаги фаолиятида муҳим қадам бўлди. Бу борада шуни таъкидлаш кераки, адлия органлари зиммасига бевосита инсон ҳўқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган вазифалар юкланди. Бундан ташқари, Адлия вазирлиги таркибиде Инсон ҳўқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасида унинг бўлимлари ташкил этилди.

Адлия органларининг инсон ҳўқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти ҳусусида гапирганда шуни таъкидлаш лозимки, у бузилган ҳўқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва қайта тиклашни таъминлайдиган бошқа органларнинг ваколатларини бекор қилмайди, қайта қўриб чиқишни талаб қилмайди ва тақдирламайди, балки фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини суддан ташқари ҳимоя қилиш бўйича мавжуд воситаларни тўлдирди.

Хусусан, Конституция ва қонунларда мустақамланган инсон ҳўқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида адлия органлари зиммасига юкланган бошқа вазифалар билан бир қаторда фуқароларнинг конституцийвий ҳўқуқ ва эркинликларни бузилганлиги ҳақидаги мурожаатларини ҳолис ҳамда ҳар томонлама қўриб чиқмоқда. Фуқароларнинг ҳўқуқлари бузилгани тўғрисидаги далиллар аниқланган ҳўлатларда қонунга мувофиқ уларни тиклаш чораларини кўрмоқда, бундай қонунбузарликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан эса тақдимнома киритиш каби таъсир қўрсатиш чоралари қўлланилмоқда. Бундан ташқари, фуқаролар манфаатлари учун судларга даъво аризалари киритилмоқда, фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини қўтол равишда бузилган ҳўлатларда ҳўқуқни муҳофиза қилувчи органлар ёки судларга мансабдор шахсларни жавобгарликка ҳаттоки, жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги тақдирлар тақдим этилмоқда. 2008 йилда шикоятлар устида ишлаш умумий тахлиши шуни кўрсатдики, келиб тушган жами му-

маш» ОАЖга иш ҳақини тўлаш тўғрисида киритилган тақдимномага кўра, ушбу қоронаннинг 353 нафар ишчисига 77 млн. сўмдан ортиқ иш ҳақи тўланди. «Навоийсаоаттранс» шўба қоронаси 23,3 млн., Навоий вилояти Қизилтепа тумани машина-трактор парки 9,25 млн., Навоий вилоятидаги Машина-трактор парклари бирлашмаси 18,4 млн. сўмлик фуқароларнинг иш ҳақларини тўлаб берган.

Яна шуни таъкидлаш кераки, аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш мақсадида қонунчиликка маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида 291 та тақдир қиртилди, улар асосида 296 нафар айбдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Чўноччи, Бухоро вилояти жиноят ишлари бўйича Қорақўл туман судига Қорақўл тумани ҳокимлиги ходимларини маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида киритилган тақдимномага кўра, фуқаролар П.Яхшиев, И.Алєзов, М.Бозоров, Х.Жумамов ва бошқаларнинг мурожаати қўриб чиқилган, Қорақўл тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Ҳасанов ва ўринбосар Т.Раҳимов, кўшма ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиғи И.Оччинов, бош мезьор Б.Раҳматов, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи ҳамда мутахассиси Н.А.Везов ва Н.Муталловлар суд қарорига биноан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида 28 та тақдир қиртилди ва уларнинг 31 нафари ҳўқуқни муҳофиза қилиш органлари томонидан жавобгарликка тортилди. Масалан, Тошкент вилояти Қибрай тумани прокуратурасига киритилган тақдирга кўра, фуқаро М.Қорабевнинг 27-мактаб маъмурияти, шу мактаб директори ва директор ўринбосарининг хатти-ҳаракатларидан норозилиги ҳақидаги мурожаатини қўриб чиқиш натижалари бўйича Э.Исमतов ва М.Валиев; ушбу мактаб қўмитачиси Н.Жўраев жиноий жавобгарликка тортилди.

Оҳангарон тумани прокуратурасига киритилган тақдирга кўра, фуқаро Л.Шадрианининг аризасини қўриб чиқиш натижалари бўйича Оҳангарон тумани давлат нотариал идораси нотариуси А.Ҳамраев, Оҳангарон ша-

ди, 2008 йилда қарийб 453 нафар юридик шахс давлат рўйхатидан ўтди.

Тadbirkorларни рағбатлантиришга қаратилган қонун ҳўжатлари ижросини таъминлаш, уларнинг бузилган ҳўқуқларини қайта тиклаш ва турли ноқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш бўйича чоралар қўрилмоқда. Бу борада юзага келадиган муаммо ва тўсиқларнинг ўз вақтида олдини олиш мақсадида адлия органларининг ишонч телефонлари ташкил этилди. 2008 йилда тadbirkorлардан ушбу телефонлар орқали 2262 та мурожаат келиб тушди, уларнинг 1294 таси қаноатлантирилди.

Ўтган йили жойларда адлия ходимлари томонидан ўтказилган 7 миңдан ортиқ текширув натижасида 187 миңга ҳўқуқбузарлик ҳўлатлари аниқланди. Хусусан, тadbirkorларни рўйхатга олиш борасида 2335 та, банк соҳасида 8079 та, солиққа тортиш борасида 861 та, лицензия ва бошқа рўхсатномалар бериш соҳасида 3997 та, рўхсат этилганма текширув ўтказиш (56) ва текширув тартибини бузганлик бўйича 748 та, ер ажратишда 1215 та, шартнома тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш соҳасида 122 миң 41 та, бошқа соҳаларда 47 миң 755 та ҳўқуқбузарлик ҳўлатлари қайд этилди.

Ҳўқуқбузарларга нисбатан қатъий жазо чоралари қўрилмоқда. Тadbirkorлик субъектлари, ҳусусий мулк эгалари, хоржий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокида тузилган корхоналарнинг ҳўқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида адлия органлари томонидан 2069 та тақдимнома, 1472 та оғохлантириш ва 325 та қўрсатма киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 2819 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 181 нафар шахс ағаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Қўрилган чора-тadbirkorлар янларни бўйича давлат бошқарув органларининг тadbirkorларнинг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларига тўсиқлини қилувчи 548 та ноқонуний қарори бекор қилинди ҳамда тўхтатилди. Бундан ташқари, тadbirkorлар ҳўқуқларини қайта тиклаш мақсадида судларга қиймати 16,5 млрд. сўмга тенг 2823 та даъво аризаси тақдим этилди, қиймати 13,9

лаб чиқарувчи ва тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида 1 млн. 160 миңдан ортиқ шартнома тузишда иштирок этди.

Шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартнома муносабатларини такомиллаштириш, шартнома интизомини суд тартибиде мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чўноччи, шартномавий-ҳўқуқий муносабатлар бўйича судларга қиймати 79 млрд. сўмдан ортиқ 36 миң 600 дан ортиқ даъво аризаси тақдим этилди.

Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, чўноччи, давлат эътиёжлари учун 2008 йилги ҳосилдан бошқоқли дон сотиб олиш бўйича шартномаларни бажармаган фермер ҳўжалиқларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси ва Олий ҳўжалик судининг қўшма қўрсатмасига мувофиқ қўрилган чоралар натижасида фермер ҳўжалиқлари томонидан дон қабул қилувчи корхоналарга натура шаклида 94 миң 44 тонна галла топширилди, 1 млрд. 812 млн. сўмга тенг зарарни ихтиёрий қоплатишга эришилди.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги «Ёшлар йили» Давлат дастурига биноан бир қатор қонунлар, ҳўкумат қарорлари, шунингдек, вазирлиқлар, идоралар ҳамда ташкилотларнинг қўшма буйруқ ва қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этди. Жумладан, 2008 йилда Адлия вазирлиги ҳўқуқий экспертизадан ўтказиш учун жами 1142 та қонун ва бошқа норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар лойиҳаларни тақдим этилди ҳамда улар бўйича тегишли ҳўқуқий ҳўлсалар берилди.

Шу билан бирга, вазирлик тақдим этилган қарийб 550 та норматив-ҳўқуқий ҳўжжанинг 255 таси давлат рўйхатидан ўтказилди, қонанларни амалдаги қонунчиликка мос келмагани сабабли рад этилди, айримлари техник ҳўжатлар сифатида эътироф этилди. Ўтган давр мобайнида давлат рўйхатидан ўтказилган миңдан ортиқ идоравий норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар тегишли вазирлиқлар, давлат қўмиталари ва бошқа муассасалар билан ҳамкорликда тахлил қилинди. Натижада 242 та идоравий норматив-ҳўқуқий ҳўж-

зирилиги зиммасига тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 23 та тadbirkor амалга оширилди.

Адлия вазирлиги томонидан 2008 йилда инсон ҳўқуқларини тушунтириш соҳасида республика бўйича 10 миң 991 та тарғибот ишлари ўтказилди, уларнинг 2003 таси ОАВдаги чиқишларидир. Аҳоли билан 6 миңдан ортиқ учрашув ўтказилди. Инсон ҳўқуқларига бағишланган китоблар ва журналларнинг қўшма кўргазмаси ташкил этилиб, унда ўзбек, рус, инглиз, француз, немис ва бошқа тиллардаги 1000 дан ортиқ китоб намоиш этилди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинган жорий йилда қишлоқ аҳолиси манфаатларини тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳўқуқий базани мустақамлаш, шунингдек, ушбу йўналишдаги амалдаги қонун ҳўжатларини бугунги кун нўқтани назаридан қайта қўриб чиқиш вазирлик учун устувор вазифалар ҳисобланади. Эеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, моддий ва молиявий базасини мустақамлаш, уларга янада кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни туддириш, қўшқанда айтганда, қишлоқда пайдо бўлаётган мулк муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари — мулкдорлар, тadbirkor ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга».

Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 26 январда қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорига мувофиқ Адлия вазирлиги зиммасига юкланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида вазирлиқнинг соҳага оид дастури ишлаб чиқилди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да қонун ҳўжатларини такомиллаштириш, ушбу қонун ҳўжатлари ижросининг таъминлашини ўрганиш, уларнинг маъмурий ҳимоятини кенг оммага тушунтириш адлия органлари ходимларининг биринчи даражали вазифаси саналади. Ушбу вазифалар адлия органлари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

(Давом. Бошланғичи 1-бетга). Шунингдек, вилоятда ҳаққубазарлик ва жиноятчиликка қарши кураш ҳамда унинг олдини олиш борасида олиб борилган профилактик тадбирларнинг самараси ўлароқ жиноятчилик 2007 йилдагига нисбатан бирмунча камайган.

Мухтар Президентимиз томонидан ҳар бир йилнинг алоҳида номлаштирилган ҳаққубор Зеро, Бир йил мобайнида аҳолининг муайян қатлами манфаатлари ҳимосига алоҳида эътибор қаратилади. Шу алоҳида кўра, 2009 йил Юрбошимиз томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинганлиги ҳар томонлама чқур ҳаққубор асосга эга. Жорий йилнинг шундай номлаштирилган ҳар биримизни бу ҳақда чқур мушоҳада қилишга ундайди. Истиқболнинг ilk кунларидан қишлоқ аҳолисининг моддий турмуш ш-

лар етишиб чққанлиги кишида ифтихор хисларини уютади. Гуваляклик полсон қизлардан Дўлафрўз Абдирахимова курашнинг миллий, самбо ва дақдо турлари бўйича бир неча бор Ўзбекистон чемпиони, уч карра Осиё чемпиони, унинг сафдоши Соҳиба Эштемирова эса курашнинг худди шу турлари бўйича икки карра Осиё чемпиони бўлган. Бу қишлоқ аҳолисининг турмуш шариоитларини яхшилаш, ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш тўғрисида давлатимиз, шахсан Президентимизнинг ўзлари кўрсатаётган доимий ғамхўрликнинг ёрқин самарасидир. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Умуман, ўтган даврда қишлоқни тараққий эттириш, аҳоли турмуш тарзини ўзгартириш соҳасида жуда кўп ишлар қилинди.

Энди эса қишлоқдаги бунёдкорлик ишларини янги сифат босқичига

лоқнинг ўзига хос шарт-шариоитларини инобат олган ҳолда уй-жой ва ижтимоий соҳа ҳамда маданий-маиший объектлар қурилишини, ҳар бир қишлоқ учун алоҳида намунавий лойиҳаларни ишлаб чқилиб белги-ланган. 2009-2015 йилларда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш дастурини ишлаб чқилиш ва амалга ошириш мўлжалланмоқда. Бу борадаги қурилишларни молиявий маблағлар билан таъминловчи махсус банк ташкил этилиб, намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун ёш оилаларга узок муддатли ва кам фоизли кредитлар ажратиш кўзда тутилган.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига амалга ошириш юзасидан вилоятимизда ҳам тегишли дастур ишлаб чқилди. Бу ҳақда 2009 йил 7 февралда вилоят ҳокимининг қарори қабул қилиниб,

билан барқарор таъминлашни яна-дан ривожлантириш дастури лойиҳаси ишлаб чқилди.

Дастурда аҳоли саломатлигини сақлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, таълим-тарбия тизимининг моддий базаси ва сифат даражасини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Вилоятдаги мавжуд 184 та қишлоқ врачлик пункти ва 69 та қишлоқ шифохонасини, тугруқхоналарни таъмирлаш, тегишли тиббий ва лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш, 20 та қишлоқ врачлик пункти ва бошқа қишлоқ шифохоналарини махсус автотранспорт воситалари билан таъминлаш учун кўп миқдорда маблағ ажратилиши диққатга сазовор. Бундан ташқари, қишлоқ жойларидаги «Муруват уй»лари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийларининг моддий-техника баз-

аришга эришилади.

Аҳолини табиий газ, электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилади. Умуман айтганда, Дастурдан қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ биронта соҳа эътибордан четда қолгани йўқ. Барча жабҳалар кенг ва атрофича қамраб олинган ва қилинадиган ишлар ҳамда вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Дастурнинг ҳаётга тулақонли таътиб этилишини таъминлаш мамлакатимиздаги барча давлат ва жамоат ташкилотлари, шу юртининг фарзандиман деган ҳар бир фуқаронинг зиммасига улкан масъулият юклайди. Жумладан, прокуратура органлари ҳам бу қутлуғ ва савобли ишдан четда турмайди, албатта. Бинобарин, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги устувор аҳамият касб этаётган ушбу йилда

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

роитини яхшилашга эътибор қаратилади. Юрбошимиз томонидан «Деҳқон бой бўлса, юрда тўкинчи ташлаб бўлади» деган шior ўртага ташлаб, қишлоқ аҳолисини томорқа ва уй-жой қуриш учун ер ажратиш тўғрисидаги тарихий Фармонга имзо чқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маазур Фармони қишлоқнинг қаддини ростлаб олишни учун ҳуқуқий асос яратди.

Мустикалик йилларида мамлакатимиз қишлоқларида бунёдкорлик ишлари мисли қурилмаган даражада кенгайиб, умуман гўзал ва обод масканларга айлиб бораётди. Қишлоқда турмуш тарзини ўзгартириш мақсадида барпо этилган замонавий меъморилик услубидаги бозорлар ҳамда бошқа шу каби объектлар ҳавас қилса арзийди. Бугун энг чека қишлоқда ҳам замонавий спорт иншоотлари қурилмоқда. Мана, масалан, Косон туманидаги Гуваляк мазалида қурилган спорт мажмуини олиб қарайлик. Бу ерда шуғулланган қишлоқ қизлари орасидан спорт усталарига эмас, ҳатто чемпион-

кўтариш, қишлоқ аҳолисини манфаатлари билан бандлик даражасини кўтариш, фермерлик ва тадбиркорлик ҳаракатини янада кенг қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва ерларнинг унумдорлигини ошириш масалалари кўзда тутилган. Бу явафаларнинг ҳаммаси шу йил 26 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида ўз ифодасини топган.

Дастурдаги муҳим йўналишлардан бири, қишлоқ жойларида уй-жой ва ижтимоий соҳа объектлари қурилишини лойиҳалаш ҳамда қишлоқ архитектурасини ташкил этиш тизимини тубдан яхшилаш масаласидир. Шу мақсадда бевосита ҳар бир қи-

дастурини бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторингини олиб бориш бўйича комиссия тузилди.

Дастурда вилоятдаги қишлоқларни обод қилиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича аниқ режалар белгиланган. Жумладан, қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий режалаштирилишини ташкил этиш, қишлоқда турар-жой ва ижтимоий соҳа объектлари қурилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида 350 млн. сўм маблағ сарфланади. Вилоят ва маҳаллий аҳамиятга эга умумий фойдаланиладиган 59 километр автомобиль йўллари ҳамда хўжалиқлараро қишлоқ автомобиль йўллари 128 километр таъмирланади. Бунинг учун маҳаллий бюджет ва Республика йўл жағмараси маблағларидан тегишлича ажратилади.

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида умумий узунлиги 107,2 километр янги сув ўтказгич ва водопровод тармоқлари қурилади. 2010-2015 йилларда қишлоқ ҳудудларини сув

сини мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

2009-2010 янги ўқув йили бошланғича қадар жорий йилнинг аниқ манзилли қурилиш рўйхатига кирилган қишлоқ жойлардаги 720 ўқувчи ўринли 1 та академик ва жами 10 миң 590 ўринли 20 та касб-ҳунар коллежлари ҳамда 550 ўринли ётоқхоналар, шунингдек, жами 49 миң 47 ўқувчи ўринли 132 та қишлоқ умумтаълим мактаблари фойдаланишга топширилади. Янгидан 2754 ўқувчи ўринли 10 та мактаб қурилиб, ишга туширилади, 64 та мактаб мукамал реконструкция қилинади. 60 та мактаб капитал таъмирланади. Қишлоқ жойларда 21 та болалар спорт объектларини қуриш ва реконструкция қилиш мўлжалланмоқда.

2009 йилда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига 8904 та янги иш ўринлари ташкил этилади. Шу асосда қишлоқ аҳолисини, энг аввало, ёшларни ишга жойлаштириш таъминланади, аҳоли дарамадлари ва фаровонлигини оши-

ришга эришилади. Бу эғзу саъй-ҳаракатлар, қўламли ишларда қишлоқ ҳаётини шаҳар ҳаёти даражасига кўтариш, қишлоқларимизни янада обод, аҳоли турмушини фаровон қилишдаги улғувор мақсадларимиз мужассам, Зеро, Ватан равнақи, мустикалик мамлакатимизнинг ёрқин келажига аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этувчи қишлоқ аҳолининг яратувчилик меҳнати, қишлоқ ёшларининг илму заковати, шижоатига ҳам яққол намоён бўлajak, Юрбошимиз таътиблаганларидек, «...бу йўлдаги интилиш ва ҳаракатларимиз нафақат қишлоқларимиз, балки бутун мамлакатимизни янги, юксак марраларга олиб чқилишга улкан қадам бўлиб хизмат қилади».

— Туман маркази — Пойтуғ қўрқам ва обод бўлиб бораётгани кўзга ташланади. Бозорлари тўқин-сочин. Одамларнинг кайфияти чоғ.

— Дарвоқе, ўтган йили туман аҳолисининг пул даромадлари 39,6 фоизга, ишчи-ҳодимларнинг ўртача иш ҳақи 47,8 фоизга ўсди. Етақич тармок ҳисобланмиш қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ишлохотлар ўз самарасини берапти. Фермер хўжаликлари сўнгги йилларда пахта ва ғалла етказиб бериш шартномаларини тўқис адо этиб келишмоқда. Туман прокуратураси ҳодимлари ишлохотларнинг қонуний кеңиши, ердан мақсадда мувофиқ фойдаланишдан тортиб, агротехника тадбирлари ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таҳлил қилиб боришяпти. Фермер хўжалиқларига уруғлик, техника, ёқилғи-мойлаш материалла-

та прокурор таъсир чоралари қўлланилди. 386 млн. 200 миң сўмдан зиёд зарар ўрни ихтиёрли равишда қопланди. Салкам 39,5 млн. сўм пул маблағларини ундириш учун фуқаролик судларига 39 та даъво аризалари киритилди. 8 та ҳолат бўйича жиноят ишлари кўзгатилди.

Юқори рентабелли фермер хўжаликлари зарар қўрган ёки кам даромадли, фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган фермер хўжалиқларининг экин майдонларини ўз тасаруфларига олишяпти. Шу тариқа туманимиздаги фермер хўжалиқларининг сони удан бир баробарга ёки 360 тадан 240 тагача каймади.

— Табиий савдо тузилади. Фаолиятини тўхтатган фермер хўжалиқларидаги беш қол-

лигида банд фуқаролар сони 20 миң 600 нафардан зиёд кишини ташкил этади.

Туманда санаот ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланиб борапти. Ўтган йилнинг ўзида «Пойтуғ текс» ва «Тағус текс» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхоналари ишга туширилди. Уларда олти юз нафардан зиёд фуқаролар ишлаб болашади. Олпита санаот корхоналари, шу жумладан, қалава иг ва трикотаж матоларини ишлаб чқараётган тўртта қўшма корхоналарда салкам бир ярим миңг ишчи меҳнат қилмоқда.

Тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантиришга оид қонун ва қонуноти ҳужжатлари ижросининг таъминлашни жараёнда кичик

ишлар тўғрисида сўзлаб берамиз.

— Ўтган йили таълим тўғрисидаги, вояга етмаганларнинг ижтимоий муҳофазасига оид қонунлар, «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижросини таҳлил қилиб, зарур ҳолатларда прокурорлик таъсир чораларини қўлладик. Ўқувчилар мукамал таълим-тарбия олишлари, бўш вақтларида фойдали машғулотлар билан шуғулланишлари учун керакли шарт-шариоитлар яратилди. Барча мактаблар, спорт заллари, Лугумбек қишлоғидаги стадион, иккита ўқувчилар ижодоти марказлари таъмирланди. Ўқув қуроллари, спорт анжомлари билан тўқис жиҳозланди. 16-сонли ўрта мактабда янги спорт зали фойдаланишга топширилди.

Прокуратура ташаббуси билан туман ҳокимлиги, халқ таълими, ИИБ, ДСИ, бандликка

Избоскан туман прокурори Баҳромжон АЛИМДЖАНОВ билан сўхбат

ФУҚАРОЛАР ХИЗМАТИДА

ри, минерал ўғитлар етказиб бериш жараёнида қонунбузилишларни бартараф этиб, амалий ёрдам кўрсатишяпти. Хусусан, «Қишлоқ хўжалиқимиз» АЖнинг туман бўлимида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун тақдиминомалар киритилди. Аниқлаштиришга, «Янги қишлоқ агросувчи» сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг мансабдорлари 42,8 млн. сўмлик кўрсатилган хизматларининг ҳақини ундириш чораларини кўрмай келишган. Оқибатда ўн олти нафар ишчи-хизматчиларга ўн бир ой мобайнида 7,5 млн. сўм иш ҳақларини тўлашамаган. Электр корхонасига, туман ДСИга бюджет ва бюджетдан ташқари тўловларни ўтказмасдан фуқаролар ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказишган. Ушбу ҳолат бўйича уюшма раҳбари А.Холмиров эваз ва ҳисобчиси Р.Хатамовлар жиноий жавобгарликка тортилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш учун 552

ган фуқаролар нима билан шуғулланишяпти? Маълумки, Избоскан Республикасида ҳам аҳоли энг энг жойлашган туманлардан биридир. Меҳнат ва бандлик муаммоси қандай ҳал қилинмоқда?

— Туманимизда салкам икки юз миңг киши истикомат қилади. Йирк фермер хўжаликлари фаолиятини тўхтатган фермер хўжалиқлари деҳқонларининг муайян қисмини ишга олишди. Ҳар бир хўжалиқда раҳбар билан бирга муовиндан тортиб иш юритувчига, сажкиз-ўн нафар идора ҳодимлари шатлари тасдиқланган. 240 та фермер хўжалиқларида механизаторларни қўшиб ҳисоблаганда 17 миң 800 нафар доимий ишчилар ерларни екишга тайёрлашдан тортиб, экинлар парварши билан шуғулланишяпти. Уларга уч юзга яқин ошпазлар хизмат қилишади. Бундан ташқари 4300 нафарга яқин деҳқонлар мавсумий ишларга жалб этилади. 1600 зиёд оилалар хонадонларида пилла тутишади. Шу тариқа қишлоқ хўжа-

бизнес, савдо, маиший хизмат, транспорт хизмати, хўнармандчилик каби соҳаларда банд бўлганлар сафи кенгайиб бормоқда. Шу тариқа ўтган йилнинг ўзида 3666 та янги иш ўринлари тақлиф қилинди. Иқтисодий фаол аҳолининг удан бир қисми ёки салкам 22 миң киши савдо ва турли хизмат кўрсатиш соҳаларини ишлашяпти. Ўтган йили туманимизда фаол аҳолининг бандлик даражаси 86 фоизга етди. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида элик миңдан зиёд ишчи-ҳодимлар ишлашяпти. Бу йил янги корхоналар қуриш ва фаолият кўрсатаётганларни кенгайтириш, кичик бизнес ва сервис хизматларини, миллий хўнармандчиликни, паррандачилик, баликчилик, асарчиликни ривожлантириш, барча йўналишларда уй меҳнатини ташкил этиш ҳисобига яна 4146 та иш ўринлари яратилиши мўлжалланмоқда.

— Кези келганда ёшларнинг, ўсмирларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қилинган

Исроил ИБРОҲИМОВ, «Huquq» муҳбири

Тонгда деразани ёмғир чертади, «чирт» «чирт». Қажрини унутган қаҳратон қиш кўшини бўшатди гўзал Баҳорой учун, сим-сиёх тун бағрини нурга чулгади Моҳтоб тонгда кўёш билан юз кўришмоқ истади бир баҳа. «Кун билан тун тездашиди», пичирлайди саксон ёшли онам қийғос гуллаган шафтоли гулчасини кўзига суртиб. Саҳий Бобо Офтоб меҳр улашади. Она заминга — найзон майса, довароҳт, гулга, чечакка. Қушчалар қувончдан сайрайди тинмай, жилға хандон қулар нарчасини билмай. Шабда уйғонди ёқимли бирәм. Ҳар гиёҳни силар, шивирлар: «Эрка...а...м». Наврўзой, ўхшайсан чиндан келинчакка...

Оҳ, баҳор! Муҳаббат фаслисан. Сенга диллар ошурта, кўнчилиқ машина. Наврўз, сенинг пойдеворинг меҳр-оқибат, тўқинлик, файз эрур оппоқ рўмолинг. Хуш кўрдик, Кўкламоийм Наврўзнинг қизи...



Хуш келдинг, Наврўзойим!

Кўёшнинг меҳр тафти-ю, шамолнинг гунча қулоқларига дил изорлари... Ҳаёдан бироз қизаринган дарахлар қийғос гулга кирди кўзни қамаштириб — бу кут-барака белгиси асли.

Сивёш соғинган, Афросиёб сифинган, Шогурни эзгуликка чорлаган асрларга тенгдош Наврўз келди авлиё-анбиёларга бешиқ Куббат ул ислом кўҳна Бухорога!

Яна ажайиб бир тонг отди. Мучал ёшидаги жамалаксоч қизалоқ етти кўшни ҳовлининг дарвозасини тақиллатиб, нон устида етти «син» таомлари кўйилган улушни тарқатиб дуо олади.

Бошида гулчамбар бу қизалоққа ҳамма ҳавас билан қарайди. Она табиат ҳам шу қизчадан намуна олгандек гўё... Бошида оқ ҳарир рўмоли, пойни ямайил... бу тонг ўзгача тонг, чиройли бирәм. Оғзида бир тиши қолмаган онам гўё яшариб қолган шодон. «Оллоҳга шукур. Юрт

тинч, эл омон бўлсин, илоҳим. Яна кўкламга етдик. Наврўзни кўриш насиб этди-я. Бу кунларга етганлар бор...» сонсиз ажинлари мисоли жилға севинч ёшлари кўйилиб келади. «Иншооллох, тўқинлик бўлади, болам». Айтганингиз келсин, онажон, — пичирлайман энтикиб мен ҳам. Сумалак сузаётган кўшни ҳовлисидан доирага жўр бўлаётган келинлар, қизларнинг овози эшитилади.

«Сумалак, сумалак, сумалак сузинг она... Хиргойи қилади кўшни молар:

Ҳамал — дар амал, дерлар, Тенги йўқ маҳал дерлар Ҳаммаёқ зарҳал дерлар. Йўлову найкал дерлар, Оқинга гўзал дерлар, Баҳинга масал дерлар Тилиннга асал дерлар Азалдан-азал дерлар Ҳамалой гўзал дерлар. Кекса чол яқтакчан, тушлари яланг кетмонни тезлайди, ёшли-

гин эслаб, суюниб хандон. Лаби пичирлайди тинмайди. «Омонлик бўлсиней, илоҳим. Завол кўрмасин шу қора кўзларим. Ортимда қолишсин. Мен эккан ниҳолнинг соя-салқини уларга меҳр улашади, иншооллох...»

«Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим» — ерга кетмон урар дадил, бақувват. Томорқа бурчида икки-уч болакай ўзи чўлдан ясаган кетмон билан ерни ағдармоқчи ё тавба... Бобога тақлимди ё Оллох кўнглига солди? Жажжи кўлчаларин дуога очиб «омин» деди-ю, юзига тортиди. Кўнглим уммон бўлиб тошдий. Ёмон кўзлардан асрагин, юртим болаларини. Ҳар гиёҳин авайла. Она заминини, ҳаёт давомийлигига, оппоқ ниғларга доя Баҳорни эъозола. Наврўзни қадрла, болажон. Бундай жаннатий юрт қаерда бор, айг? Юртим Ўзбекистон баҳоридир — бу. Гўзал, фусункор.

Моҳира ШАКАРОВА, журналист

Қорақалпоққа кўклам келди

Қорақалпоғистонда бўлганмисиз? Унинг беҳудуд саҳралари-ю, кенгдан-кенг яйловларини кезганмисиз? Илҳомни Ажиниёвдан, Бердақ Қаргабой ўғлидан аямаган Қорақалпоқ саҳралари бу. Бу ерлар Сизга Гулоийм тулпорнинг гулдуриси, Қўблан ботирнинг жасорати, жўш урган Оролнинг авжлари-ю, қорақалпоқ кўбизининг ёқимли сасини эслатади. Ҳа, юртимизга Наврўз келди. Олам-олам қувонч, шодликлар билан келди.

Тўрткўл жўшқин Аму соҳилидаги туман. 150 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Бу ерда Наврўзга тайёргарлик қиш тугамайдан қолган бошланиб кетади. «Сумалаксиз уйда Давлат бўлмайди», дейди тўрткўликлар. Ростдан ҳам шундайми? Шу саволни тумандаги «Кўҳна Тўрткўл» овул фуқаролар йиғини раиси Рустам Рўзимовга бердик.

— Овул фуқаролар йиғини номидан ҳам маълум, ҳозирда «Кўҳна Тўрткўл» деб аталувчи бу жойларни қадимдан ота-боболаримиз макон тутиб келган, деҳқончилик, чорвачилик, хўнарамандчилик, косибчилик билан шугулланишган. Ун чиқарадиган тегирмонлари, шохитлаас тўқийдиган дастгоҳлари бўлган. Йиллар ўтди, лекин Наврўз йўқолмади. Мана бизгача етиб келди. Ҳозир овулимизда 10 га яқин миллиат вакилларидан иборат 8 минг аҳоли яшайди. Улар бир-бирлари билан қуда-аңда бўлиб кетишган. Айниқса, овулимиз аҳолисининг Наврўз кунларидаги бирдамлиги, аҳиллиги янада кучаяди. Айнан шу кунлари касал, ёлғиз яшовчи, ногирон кишилар ҳолидан хабар олинади. Шу кунни кўни-кўшинлар сумалак улашишади, кўк сомсалар тарқатишади. Агар аразлашиб юрганлар бўлса ярашишади.

Тўрабой Отажанов, фермер (Эллик-қалъа тумани):

— Йил йилга ўхшамайди. Лекин кўлни кўрган кексаларимизнинг сўзларига қараганда, бу йил баҳор яхши келиб, деҳқончиликда ҳам барака бўлар экан. Юртимизда бу йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Худо насиб қилиб, чиндан ҳам об-ҳаволар яхши бўлиб тур-

са, бу нафақат биз деҳқонлар учун, балки бутун халқимиз учун фаровонлик гарови бўлса ажаб эмас. Келаятган Наврўз айёми ҳаммамизга қутлуг бўлсин. Дастурхонларимиз тўқин-соҳили, топганларимиз баракали бўлсин.

Ақитой Одилов, Ўзбекистон Қаҳрамони (Тахтакўл тумани):

— Бугун жаҳон миқёсида молиявий инқироз юз бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Қайси оммавий ахборот воситасини кузатманг, ҳар кунни қайсибир мамлакатда қайсибир макон тутиб келган, деҳқончилик, чорвачилик, хўнарамандчилик, косибчилик билан шугулланишган. Ун чиқарадиган давлатимизда рўй бераётгани йўқ. Албатта, бизнинг юртимизда бу борада муаммо бўлмаслиги аниқ. Хурматли Юртбошимиз таъйинлаганидек, дунёда юз бераётган молиявий инқирозга қарамай, давлатимиз ўз тараққиёт йўлидан асло оғишмайди. Негаки юртимиз етарлича иқтисодий барқарорликка эга.

Ният қиламанки, бу барқарорликка кўз тегмасин. Наврўзи олам элимизга кут-барака олиб келсин.

Ҳа, юртимизда баҳор ўз сепини ёймоқда. Халқимиз ҳар гал баҳорни улғун ниятлар билан кутиб олар экан, кўлларини дуога очиб элимизга тинчлик, аҳиллик, кут-барака, фаровонлик тилашади. Биз ҳам бу фикрларга қўшилган ҳолда осмонимиз мусаффо, Ваганимиз янада кўркем бўлиб, дастурхонларимиз нонга тўла бўлишини тилаб қоламиз. Янги йилда ҳамма яхши ниятларига етиб юрсин!

Нуриддин ОКНАЗАРОВ, «Huquq» муҳбири

РЕКЛАМА // РЕКЛАМА // РЕКЛАМА // РЕКЛАМА // РЕКЛАМА // РЕКЛАМА // РЕКЛАМА // РЕКЛАМА // РЕКЛАМА // РЕКЛАМА // РЕКЛАМА // РЕКЛАМА // РЕКЛАМА // РЕКЛАМА // РЕКЛАМА // РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРAT

ХАЛҚ БАНКИ

жамоаси яқинлашиб келаятган яшарин ва янгилашин байрами - Наврўзи олам билан барча юртдошларимизни салимий муборақбод этади.

Сиз азизларга янги «Ижтимоий-рағбат» ҳамда «Соврин плюс» омонатларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

«Ижтимоий-рағбат» омонатига пенсия ва ижтимоий нафақалар олувчилардан пул маблағлари 2 ойдан кам бўлмаган муддатга Халқ банкининг барча бўлимлари орқали қабул қилинади. Омонат бўйича фоиз даромадлари ҳар ойда тўланиши билан бирга, ҳар ойда ютуқлар тиражи ўтказилиб, омонатчилар 4000 дан ортиқ пул ютуқларининг соҳиби бўлиш имкониятига эгалар.

«Соврин плюс» омонатига эса, маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга чекланмаган миқдорда банкнинг барча бўлимлари орқали қабул қилинади.

Бу омонат тури бўйича ҳам Сиз, фоиз даромадларини олиш билан бир вақтда, қўшимча равишда 5 000 000 сўмгача бўлган кўплаб пул ютуқлари совриндори бўлиш имкониятига эга бўласиз.

Халқ банкида аҳоли омонатларининг дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган!

Мурожаат учун тел.: 150-12-91



2005 йилда «Сирдарёвино» ОАЖнинг бошқарув раиси этиб тайинланган Нейматжон Саъдиев корхонани қўйилмақом тарзда бошқаришга ўтди. Яъни у ўзига итоткор, ўз навбатида ишончли шахсларни моддий жавобгарлик вазифаларига тайинлади. Бунга қўра, Янгийўл шаҳрида спиртли ичимликлар савдоси билан шуғулланувчи таниши Аҳмад Нуралиевни тайёр маҳсулотлар омбори мудири, жияни Саидолли Сайдиғазиевни спирт саклаш омбори мудири, яқин таниши Тўхтасин Акбаровни бош хисобчи каби қатор лавозимларга жойлаштирди. Гўёки улар корхона фаолияти учун жонқуяр ва фидойий шахслар эди. Бу уларнинг суратига берилган тариф. Сийрати эса ўлжа хидидан сармаст кишилар эди.

Корхона бошқаруви раиси, яъни Нейматжон Саъдиев бевосита жиний гуруҳнинг бошлиғи эди. У корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ўзлаштириш учун қўл остидаги шахслар билан ўзаро режа тузди. Режага қўра, шимша идиши омбори мудири М.Мирқалоннов зиммасидаги шиша идишларни ароқ қўйиш цехига ҳужжатсиз топширади. Ароқ қўйиш цехи бошлиғи У.Тешабоев, кейинчалик Х.Эргашев ҳужжатсиз қабул қилиб олинган ёрдамчи маҳсулотлардан фойдаланиб, ароқ ва бошқа спиртли ичимликларни тайёрлашди. Тайёр маҳсулот омбори мудири А.Собиров ва кейинчалик С.Сайдиғазиевлар эса тайёр ма-

сулотларни Н.Саъдиев ҳамда тақсимот бўлими бошлиғи А.Нуралиевнинг топшириғи билан ҳужжатсиз сотувга тайёрлашди. Ўз навбатида А.Нуралиев режа билан ишлаб чиқарилган спиртли маҳсулотларни хуфёна йўллар билан мазкур корхона ишчиларига, тегишли савдо

даги жиноятларни амалга оширишди. Жумладан, «Чирчиқсаробсавдо» шўъба корхонасига деб расмийлаштирилган маҳсулот Тошкент шаҳридаги «Кола-савдо» хусусий фирмасига, «Марказсаробсавдобаза» шўъба корхонасига деб расмийлаштирилган маҳсулотлар ҳам худди шундай бошқа тadbиркорлик субъектлари ҳамда жисмоний шахсларга нақд пулларга сотиб юборилган. Бундан келиб тушган пуллар эса банкка топширилмасдан жиний шериклар ўртасида ўзаро тақсимланиб келинган.

Амалга оширилган ушбу жиний фаолият давомида улар жами 838

улар аввало олдинги спиртли маҳсулотларни нақд пулларга сотиш натижасида юзага келган 18428,41 далл этил спирти камомadini ёпиши керак эди. Шу асосда улар 18428,41 далл этил спиртини «Агрофирма Янгийўл» ОАЖ балансида гўёки ижарага берилганлиги ҳақидаги сохта ҳужжатлар билан ўтказиш ва уни қалбаки ҳужжатлар билан ёпиш режасини тузишди.

Ушбу жиний режага қўра, Н.Саъдиев ва М.Досметовлар 2006 йил 20 сентябрь кун «Сирдарёвино» ОАЖ балансида мавжуд бўлмаган 18500 далл озуқа этил спиртини «Агрофирма Янгийўл» ОАЖга гўёки бир ой мuddатга фойдаланиш учун бериш ҳақидаги 01/20-09-сонли сохта шартномани тузишди. Бунга асосан уюшган жиний гуруҳ аъзолари У.Усаров, О.Мамаатмуродов, С.Сайдиғазиев, Н.Тўхтасин ва ким 18428,41 далл этил спиртини «Агрофирма Янгийўл» ОАЖга юборилганлиги хусу-

Мамлакатимизда мулкчилик шаклидан катти назар фаолият юритаётган кўплаб корхоналар рақобат майдонидида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Шулар қаторида «Ўзвирсоноат-Холдинг» компаниясини ҳам юртимизда энг катта кўп тармоқли фаолият кўрсатаётган корхоналар сирасига киритиш мумкин. Бугунги кунда компания тизимига кирувчи корхоналарда ички эҳтиёжларни тўлиқ инobatта олган ҳолда турли хилдаги сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Тизимга кирувчи ана шундай корхоналардан бири «Сирдарёвино» очик акциядорлик жамиятидир. Бугун биз корхона фаолиятига эмас, уни ривожлантириш ўрнига чўнтагини капайтириш пайида қонунларни обёк ости қилган маъсул мансабдор шахслар хусусида тўхталмоқчимиз.

«ШАРОБХЎР»ЛАР

дўконларига ёки турли тadbиркорлик субъектларига нақд пулга сотди. Моддий жавобгар шахслар эса ушбу маҳсулотларга сохта ҳужжатлар тузиб беришди.

Жумладан, жиний гуруҳ қоридидаги режа асосида 2005-2006 йилларда жамиятга тегишли бўлган 18428,41 деклитр (18428,41 литр) озуқа этил спиртидан балансдаги ҳужжатли ҳамда ҳужжатсиз қабул қилинган шиша идиш ва ёрдамчи маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда ароқ ва бошқа спиртли маҳсулотлар ишлаб чиқарган. Маҳсулотлар эса ўз навбатида сохта юк хатлари асосида бошқа шахсларга нақд пулга сотиб юборилган. Масалан, сохта юк хати асосида маълум қулдудари шаробсавдобазага «жўнатишган» маҳсулотлар аслида Янгийўл шаҳридаги «Агрофирма Янгийўл» ОАЖ биносининг ён томонидаги савдо дўконига жойлаштирилган.

Жиний гуруҳ «Янгийўлшаробсавдо» улгуржи базасига расмийлаштирилган турли рақамдаги сохта юк хатлари билан жуда кўп эпизод-

млн. 564 минг сўмлик спиртли ичимликларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиб, талон-торож қилганлар.

Устомон Н.Саъдиевнинг қинғирликларни фақат бу ердаги иш фаолияти билан тугаб қолмади. Қилар ишни қилиб бўлган, миллион-миллион сўмни талон-торож қилган раис тезорек бу ердан кетмасда бир кун келиб қилмишлари фoш бўлиб қолганини аниглаб етиб, жиноят изни яшириш учун қуйидагича йўлни танлади. Шу асосда у 2006 йил 19 июлда «Агрофирма Янгийўл» ОАЖга раис лавозимига тайинланди. Одатдагидек бу ерда ҳам ўзига итоткор шахсларни топди. Унга бинoан И.Назаровни бош хисобчи, Қ.Қосимовни бош муҳандис, Н.Тўхтасини товаршунoс, М.Нортожиевни спирт омбори мудири лавозимларига расман бириктирди. Шундан сўнг «Сирдарёвино» ОАЖнинг раис вазифасини бажарувчи Муроджон Досметов ва унинг бош хисобчиси Омон Мамаатмуродовлар билан навбатдаги сохтакорликларни амалга ошириш режасини тузди. Бунинг учун

сида сохта счёт-фактуралар тайёрлашди. Шу билан бирга, ушбу ҳужжатлар тегишли тартибда имzолашиб, бухгалтерия ҳисоботларига киритилди. Ўз навбатида жиний гуруҳ аъзолари Н.Тўхтасин, Қ.Қосимов, И.Назаров ва М.Нортожиевлар 18428,41 далл этил спиртини «Агрофирма Янгийўл» ОАЖнинг спирт саклаш омборига кирим қилинганлиги ҳақида ҳам сохта далoлатномалар тузишди.

Жиний гуруҳ бу йўл орқали жиноят изларини яширишга ҳаракат қилган бўлса-да, қилмишлари бир кун келиб фoш бўлишини унутган кўринди. Халқимизда «Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади» деб бежизга айтилмаган. Бугун Н.Саъдиев бошчилигидаги жиний гуруҳнинг фаолияти ҳам ошкор бўлди. Уларга тегишли тартибда жазо чоралари кўрилди.

Улугбек ХУРРАМОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта терговчиси
Ўткиржон ДЕҚҚОНОВ,
«Huquq» мухбири

Мамлакатимизда солиқ сибсатини янада либераллаштириш, жумладан, солиқ юкни камайитириш, тadbиркорлик субъектларига ҳар томонлама қўмаклашиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий эркинлигини ошириш борасида етарли мезърий-ҳуқуқий асослар яратилган. Мазкур соҳадаги ислохотлар натижаси сифатида 2008 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг ставкаси 10 фоиздан 8 фоизгача камайитрилган бўлса, 2009 йилдан бошлаб саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхоналар учун ягона солиқ тўловининг ставкаси 7 фоиз қилиб белгиланди. Президентимиз Ислоом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодийётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида ҳам иқтисодий юксалиш омили бўлган тadbиркорликни ривожлантириш, унинг раванкига тўсиқ бўлаётган барча гoвларга барҳам бериш, тadbиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилиш масалаларига катта эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий йўналишда, хусусан тadbиркорлар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш борасида ҳали кўп хизмат қилишимиз керак.

биркор сифатида рўйхатга олингани аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан бўлим ходимлари томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари бошқа мақсадли жамғармаларига тўлиқ тушиши ва солиқ базасини кенгайтириш, янги ишчи жойларининг ташкил қилиниши мақсадига ўтказилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида ушбу цех «Хамша омад» хусусий фирмаси сифатида рўйхатга олинди. Цехда ишлаётган 4 нафар ходим буйруқ асосида фирмага ишчи сифатида қабул қилиниб, ойлик маош билан таъминланди. Худди шунингдек, Жондор туман «Янгиобод» қишлоғида жойлашган фуқаро Т.Баҳромовга қарашли мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш цехи ҳам «Кенжаобод» Шохижоҳон Озодда-хусусий корхона сифатида рўйхатга олинди. Цех-

беришгача бўлган жараёнларга қўмак берилиб, ҳуқуқий химоя остига олинмоқда. Тушунтиришлар натижасида қонунбузилиш ҳолатларини содир этган шахслар ўзларига тўғри хулoса чиқарган ҳолда фаолиятини қонунлаштирилмоқда. Жумладан, Бухоро вилоят Ромитан шаҳар «Бухоро» кўчаси 21-ўйда фуқаро Анвар Азимов тикув ҳамда эшик ва дераза ромларини ишлаб чиқариш цехини ташкил этиб, ноқонуний фаолият юритиб келган. Мазкур цехда ўтказилган профилактика, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳамда кўрсатилган амалий ёрдам натижасида ушбу цех «Ромитан акфа люкс» хусусий корхонаси сифатида рўйхатга олинди.

Аслида ноқонуний ишларга ўрин қолмаган жойда иш сифатига ҳам, унумдорлигига ҳам пугур етмайди. Бу эса қонуний даромад деганидир.

ларнинг ўзлари ҳуқуқий билимга эга бўлиши лозим. Гувoҳи бўлганимиздек, номлари зикр этиб ўтилган айрим тadbиркорларимиз ўз ҳуқуқ ва имкониятларини ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмаган, тadbиркорлик билан қонунга хилоф равишда шуғулланиб келишган. Ходимларнинг олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида ана шундай тadbиркорлар хатоларини тушуниб етиб, қонуний фаолият кўрсатмоқда. Ана шундай ҳуқуқ-тарғибот ҳамда амалий ёрдам натижасида 138 таққушимча янги иш ўринлари ташкил этилди. Бюджетга қўшимча 181,6 млн. сўм солжик ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланади. Газ ва электр тармоқларига 20,4 млн. сўм тўловлар, банкка 1 млрд. сўм маблағ инкассация қилиниши таъминланмоқда. Ушбу субъектлар фаолиятини ривожланти-

Қонунийликни таъминлаш йўлида

Бу йўналишда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан тadbиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини химоя қилган ҳолда уларни тўғри йўлга солиш, ҳуқуқий жиҳатдан қўмак бериш, «хуфёна» иқтисодийётга қарши курашиш борасида бир қатор ишлар қилинаётти. Ўтказилаётган тadbирларда фақат жазонинг муқаррарлиги таъминланмасдан, ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган фуқароларнинг қонуний фаолият юритишлари учун йўл-йўриқлар берилиб, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш, бир сўз билан айтганда, тўлақонли тadbиркор сифатида фаолият юритишини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Департаментнинг биргина Бухоро вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ишларни худудда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, газ ва электр тармоқларига ўзбошимчалик билан ноқонуний уланиб, ҳар хил турдаги маҳсу-

лотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётган 7 та цех аниқланди. Мазкур цехларни юритаётган фуқаролар билан олиб боришган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳамда кўрсатилган амалий ёрдам натижасида, улар микрофирма ва кичик корхоналар мақомида рўйхатга олинди, фаолиятларини қонунлаштирилди. Амалга оширилган тadbирлар натижасида дами 119 та янги иш ўринлари ташкил қилинди, 832,6 млн. сўмлик нақд пулларнинг банкдан ташқари айланishiга чек қўйилди. Газ ва электр энергиядан ноқонуний фойдаланишига барҳам берилди. Бюджетга қўшимча равишда 77,3 млн. сўм солжик ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашишига эришилди.

Жумладан, Департаментнинг Бухоро туман бўлими ходимлари томонидан «Работ қалмоқ» ҚФЙдаги «Сарханг» қишлоғида жойлашган фуқаро С.Хасановга қарашли миҳ ишлаб чиқариш цехининг фаолиятини ўрганишда, мазкур цехда 4 нафар ишчи ишлаётгани, ишлаб чиқариш С.Хасановнинг номида хусусий тadb-

да ишлаш учун 15 нафар ходим корхонага ишчи сифатида қабул қилиниб, ойлик маоши билан таъминланди. Ҳозирда цехнинг ишлаб чиқариш фаолиятини янада ривожлантириш, яна 50 та иш ўринларини ташкил этиш, шу билан бирга солиқ базасини кенгайтириш учун бўлим ходимлари томонидан Т.Баҳромовга Микрокредит банкнинг Жондор тумани филиалидан 14 млн. сўмлик кредит ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Қадим юнон файласуфи Демокрит «Қонунлар уларга итoат етувчиларгагина ўзларининг ижобий томонларини намoён қилади» деган экан. Аслида қонунларнинг ижобий томонларидан баҳраманд бўлишимиз учун барчамиз уларни билишишимиз ва қонунларга амал қилишимиз лозим. Шу маънода агар тadbиркор қонунчиликда тақдирланмаган фаолият тури билан ноқонуний шуғулланган бўлса, унга тегишли тушунчалар берилиб, рўйхатдан ўтказилиб, солжик тўловчи қилиш, иш ўринларини яратиш, лозим бўлса, кредит олиб

Жамият учун ана шундай фойдали ва қонун доирасидаги меҳнатгина инсонни улғулайди. Нафақат унинг оила-сига, балки элга наф келтиради. Аммо, қонунларни билмасликлари оқибатида айрим фуқароларимиз хато ва камчиликларга йўл қўймоқда.

Департаментнинг Наманган вилоят бошқармаси ва унинг худудий бўлимлари томонидан ҳам тadbиркорликни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий мезъёрларини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Департаментнинг Косонсой туман бўлими ходимлари буюм бозори худудида Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори мазмун-моҳияти тўғрисида кенг тушунтириш ишлари олиб бориши натижасида ноқонуний равишда тadbиркорлик билан шуғулланаётганлар ихтиёрий равишда давлат рўйхатидан йўлга, эркин фаолият кўрсатишини йўлга қўйишди.

Хулoса ўрнида айтиш жоизки, бозор иқтисодийёти йўлга қўйилган, ривожланиши мақсад қилган ҳар қандай давлатда, аввало, тadbиркор-

тириш мақсадида жами 87 млн. сўм кредит олинishiда амалий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, тadbиркорлик фаолиятини билан ноқонуний шуғулланаётган 260 нафар фуқаронинг давлат рўйхатидан ўтиб, қонуний фаолият юритишига эришилди.

Департамент органлари ходимларига юклатилган асосий вазифалардан бири ҳам ана шундай хуфёна фаолият билан шуғулланиб келаётган жисмоний ва юридик шахсларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинishiга ёрдам бериш, қонун доирасида чоралар кўриш ва ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган профилактика тadbирларини ўтказишдан иборатдир. Бу фаолият билан солиқ тўловчиларни қўллаб-қувватлаган ҳамда уларнинг ошқор фаолиятига кенг йўл очишга таъсир этган бўлмасиз.

Гулчехра РАЗЗОКОВА,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаментининг матбуот гуруҳи бош инспектори

2008 йилда бошланган жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг пайдо бўлишига сабабчи бўлган ҳолатларнинг анжланиши ҳамда уларга объектив баҳо берилиши барча имомавий ахборот воситаларининг сўнгги пайдаги энг долзарб мавзуларидан бири бўлиб қолмоқда.

Маълумки, бу инқироз АҚШда ипотeka тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра йирик банклар (Leman Brother's) ва молиявий тузилмаларнинг (Fannie Mae, Freddie Mac) ликвидлиги, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, бу жараённинг иккисиз кенгайди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компанияларнинг индекслари ва акцияларининг баҳоси кескин тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси қўллаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий суръатларнинг кескин пасайиб кетиши, ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Ўзбекистонда 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Республика Президентини Ислам Каримовнинг ташаббуси билан иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирларига доир махсус Дастур ишлаб чиқилиб, Республика Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги Фармони билан тасдиқланди.

Дастурда иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш борасида аниқ чора-тадбирлар белгила- ниб, жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини барта-

ралар белгилади. Аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминла- нининг яхшилаш мақсадида узунли- ги 2000 км. ортқ ичимлик суви ҳамда 700 км. табиий газ тармоқларининг ишга тушурилши режалаштирил- ган. Ўртача иш ҳақи 1,4 мартабага оширилади, инфляция даражаси 7-9 фоиз сакланади.

Дастурга кўра, умумий қиймати 24 млрд. АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Шун- дан янги қурилиш лойиҳалари — 18,5 млрд. долларни, модернизация ва реконструкция қилиш бўйича лой-

тон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожлан- ган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорида ўзимизнинг мустахкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминла- ш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириши муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратди.

Хўш, ҳозирда бошқа давлатлар- да вазият қандай? АҚШлик йирик бизнесмени Уоррен Баффетнинг баҳога кўра, кундан кунга кенгайиб бораётган инқироз оқибатида Аме- рика иқтисоди камида 5 йилдан

қилинди. Иқтисодий таҳлилчиларнинг баҳорати бўйича, Россияда ушбу мақсадларга яқин 1,5 йил давомида олдинги йилларда тўпланган Барка- рорлик фондининг 450 млрд. доллар- ни сарфлаши мумкин.

Яқинда бўлиб ўтган Хитой Парла- менти — Умумхитой халқ вакиллари мажлисида ҳам жаҳон молиявий ин- қироз оқибатларининг олдини олиш чоралари муҳокама этилди. Унда Хи- той халқ республикаси Бош Вазири Вэнь Цзябао ҳукумат томонидан қури- лши лойиҳалари ва дастурларга яқли ички маҳсулотнинг 10 фоизини таш- киқ этишчи 4 трлн. юань (585 млрд. доллар) ажратилишини маълум қил- ган. Ажратиладиган маблағларнинг асосий қисми хусусий компаниялар ва ҳудудий маъмуриятлар ҳисоби- дан қопланиши кўзда тутилган. Маб- лағларни сарфлашда нафақат экс- порт ва инфратузилма қуриш лойи- ҳалари, балки аҳоли истеъмол қув- ватини оширишга ҳам эътибор қарати- лади. Вэнь Цзябао қилшқларда кондиционерлар ва иситкичларни кўпроқ харид қилишга даъват қилди. Шаҳарлар аҳолисини янги кварта- ралар ва автомобиллар сотиб олиш- га қизиқтириш учун имтиёзлик кре- дитлар бериш ҳамда солиқ ставка- ларини пасайтириш масаласи кўрил- моқда.

Қабул қилинган Дастур билан 2009 йилда Хитойнинг яқли ички маҳсулотининг ўсиши 8 фоиз деб белгиланган. Бундай ўсиш суръати- га ҳар қандай фарб мамлаката хавас қилса-да, Хитой ҳукумати фақат ўсиш суръатини юқори даражада сақлаб қолиш йўли билан қилшқдан кела- ётган ёшларни меҳнатга жалб қилиш

маблағ ажратилган бўлса-да, Япо- ния ҳукумати томонидан 2009 йил январь ойида 200 млрд. долларлик қўшимча чоралар Дастури қабул қилинди.

Бошқа давлатларда қурилиш иш- лари тўхтаб қолган бир пайтда, Япо- ния ҳукумати қарзларга ботишига қарамай бу соҳани тўхтатмасликка ҳаракат қилмоқда. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга ало- ҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон молия-иқтисодий инқиро- зининг салбий оқибатларидан қуйи- даги ҳулосаларни чиқариш мумкин: Япония иқтисоди дунёда биринчи қат- торда қолиши учун янги замона- вий технологиялар татбиқ этиши ло- зим, бу борадаги пойгада Японияга Хитой етиб келмоқда (2008 йилда Хитойнинг Huawei Technologies етак- чи электротехника компанияси халқ- оро патентларга эга бўлишда дунёда биринчи ўринга чиқиб, Panasonic ком- паниясидан ўзиб кетди).

Инқироз оқибатида айрим соҳа- ларда савдо айланмаси кескин па- сайган бўлса-да, бошқа соҳаларда ўсиш кузатишқмоқда. Мисол учун, Хи- той жорий йилда темир йўл қурилиши соҳасида жалб этилаётган инвести- циялар ҳажминини икки мартаба қўлай- тириши режалаштирмоқда. Hitachi корпорацияси Англияда темир йўллар қурилиши бўйича ўтказилган тендер- да муваффақиятли иштирок этиб, йирик буюртма эгаси бўлди.

Шунингдек, рўй берган молия инқирози келажқда фойда келти- рувчи энергетика соҳасидаги лойи- ҳаларга, биринчи навбатда атом электростанциялар қурилишига сар- моялар ҳажмининг ошишига олиб



ЖАҲОН МОЛИЯ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ

раф этишнинг ҳал қилувчи омиллари деб қўйиладиган кўрсаткичи:

— энг аввало иқтисодиётнинг ба- завий тармоқларида модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини фаоллаштириш, сифатли, экспортга йўналтирилган рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замона- вий мослашувчан минитехнология- ларни татбиқ этиш;

— ички ва ташқи бозорда мам- лакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардорлигини янада ошириш, экспорт қилувчи корхоналар томонидан янги товарлар турларини сотиш ҳажм- ларини кенгайтириш ҳамда маҳсу- лот сотишининг истиқболли бозор- ларини ўзлаштириш;

— иқтисод қилишнинг қаттиқ тар- тибини жорий этиш, жумладан, те- хнологик жараёнларни рационали- зациялаш, ишлаб чиқаришда матери- аллар, электр ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-ҳаражатларни камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот тан- нархини кескин камайтириш;

— техник ва ишлаб чиқариш инти- зомига риоя қилиш, маҳсулот сифати бошқарилиши халқаро стан- дартларини татбиқ этиш;

— мослашувчан нарх-наво сиёса- тини амалга ошириш, жаҳон бозор- ларида нарх-наво кўньюнктураси тез ўзгариб бораётган шaroитда экспорт механизмларини тақомиллаштириш.

Жаҳон инқирози давом этаётган- ниға қарамастан, 2009 йилнинг ўзи- даёқ мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиладиган хоржий инвести- циялар ҳажми 1,8 млрд. долларга қўлайиши режалаштирилган, бундан тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри ин- вестициялардир. Шунингдек, бутун- ги кўнда 3,2 млрд. доллардан ортқ низоом жамғармасига эга бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондининг активларини 5 млрд. дол- ларга етказиш кўзда тутилмоқда. Жорий йилда қилшқ ҳўжалик маҳсу- лотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1,2 трлн. сўм йўнал- тирилди. Экспортга йўналтирилган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини 20 фоизга камайтириш мақсадида чо-

ихалар — 6 млрд. долларни ташкил қилади. Бу лойиҳалар, аваламбор, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть ва газни қайта ишлаш, металлургия тармоқларига, энгил ва тўқимачи- лик санoати, қурилиш материаллари санoати, машинасозлик ва бошқа соҳаларга тегишлидир.

Қурилиш ишларини қўйидаги маб- лалар ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилмоқда: компания ва корхо- наларнинг ўз маблағлари — 8,2 млрд. доллар, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди кре- дитлари — 2,5 млрд. доллар, хоржий инвестиция ва кредитлар — 13,5 млрд. доллар. Ушбу лойиҳаларнинг бир қис- ми бўйича қурилиш ишлари 2007-2008 йилларда бошланган.

Жаҳон иқтисодий инқирози кунайи- б бораётган ҳозирги шaroитда банк- молия тизими фаолиятини мустах- камлаш ва сифат жиҳатидан яхши- лаш мақсадида мамлакатимиз банк- ларининг жами капиталли, қўшимча ресурсларни жалб этиш ҳисобидан 2010 йилгача икки баробар оширили- ши чоралари қўрилмоқда. Бугунги кун- да республика банклари умумий ак- тивлари ҳажми аҳоли ва юридик шах- сларнинг иқтисод рақамларидаги маб- лаларидан икки баробардан кўдир. Республика банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 млрд. доллардан ортқидир. Бу ташқи нодавлат қаралар бўйича тўла- нини керак бўлган тўловлар ҳажми- дан 10 баробар кўдир.

Ўзбекистон Республикасининг жами ташқи қарзи 2009 йил 1 ян- варь кунига яқли ички маҳсулотнинг 13,3 фоизини ташкил этиб, халқаро мезонлар бўйича «ҳар жиҳатдан мақ- бул ҳолат» деб ҳисобланади. «Moody's» ва «Fitch» халқаро рей- тинг агентликлари томонидан ўтган йили Республиканинг банк-молия тизимининг барқарорлиги, миллий валютадан узоқ мuddатли депозит рейтингига ва хоржий валютадан узоқ мuddатли депозит рейтингига йўна- лишлари бўйича текшириш ўткази- лди, «барқарор» рейтингини берилди.

Юқорида қайд этилган Инқироз- га қарши чоралар Дастурининг амал- га оширилиши билан инқирознинг иқтисодимизга таҳдиди ва салбий таъсирининг олди олиниб, Ўзбекис-

кейин тикланиши мум- кин.

Жаҳон Банкининг баҳоратиға кўра, 2009 йилда Иккинчи Жаҳон уру- шидан кейин биринчи марта дунё иқтисоди 1-2 фоизга қисқара- ди. Охириги 30 йилда биринчи марта жаҳон савдосининг ҳажми ҳам қис- қариши кузатилади. Келтирилган маълумотларга кўра, мониторинг қилинган 51 давлатдан 36 тасида экспорт ҳажми икки мартабага камайгани кузатилди. 2008 йилнинг тўртинчи чорагида ташқи савдонини молиялаштириш ва кредитлаш ҳажми 40 фоизга камайдди.

Хорик ОАВ маълумотларига кўра, иқтисодий инқироз томонидан жаҳон молия тизимиға янги зарба берили- ши кутилмоқда. Ушлаб давлатлар дав- лат қараларини тўлашға қобилияти йўқлиги, яъни дефолт ҳақида эълон қилиши мумкин. Жумладан, Эквадор ҳукумати ўтган йили декабрь ойининг ўрталарида четдан олган қарзлари юзасидан қижарилган облигациялар бўйича фонсларини тўламаслиги ҳақида расмий эълон қилди. 2009 йил февраль ойида эса Аргентина ҳам «Барикс клубининг» кредиторларига 6,7 млрд. доллар қарз мажбуриятла- рини мuddатидан олдин тўлашдан бўйин товлди. Халқаро Валюта Фон- ди, Тикланиш ва тараққиёт банки, «Bloomberg», «Merrill Lynch» ва «Fitch» халқаро агентликларининг маълумот- ларига кўра, айнан 47 млрд. доллар- лик давлат захирасига ҳамда 95 млрд. долларлик ташқи қарзларга эга бўлган Аргентина хозирги вақтда энг оғир молиявий аҳволга тушган. Шунинг- дек, бундай рўйхатдан Филиппин, Ма- лаязия, Таиланд ва Колумбия каби давлатлар ҳам ўрин олган.

«Moody's» танқилий рейтинг агент- лиги томонидан Европанинг энг му- аммоли давлатлари қаторида жор- ий ётқонда 1,8 млрд. доллар ташқи қарзини қоллашга мажбур бўлган Украина, шунингдек Венгрия, Лат- вия ва Туркиялар кўрсатилмоқда. Инқирозга қарши Дастурлар бо- шқа давлатларда ҳам қабул қилин- моқда. АҚШнинг янги сайланган Пре- зиденти Барак Обама маъмурияти томонидан тайёрланган инқирозга қарши чораларға доир қонунлар қабул

унинг салбий оқибатларини бартараф этишнинг асосий йўналишлари

масаласини ечмоқда.

Дунёнинг энг ривожланган дав- латлари сафига кирувчи Япония ми- солиға алоҳида тўхталиб ўтмоқчи- миз.

Инқироздан чиқиш учун жараён- нинг асосий иштирокчилари — хусу- сий сектор, давлат институтлари ва жамиятнинг барча куч ва маблағла- рини бирлаштириш талаб қилинади. Япониянинг бизнеси айрим бошқа давлатлардагидек молиявий фириб- гарликларға унча киришиб кетмаган.

Лекин ўтган йилнинг охири — жор- ий йилнинг бошланишидан макро- иқтисодий вазият салбийлашгани сезилди. Жумладан, ўтган йилнинг тўртинчи чорагида Япониянинг яқли ички маҳсулоти 3,3 фоизга камайдди. Олдинги йилларда ҳар йили 100 млрд. доллар фойда олиб келувчи ташқи савдосининг сальдоси охириги ойлар- да минус даражаға келиб қолди. Ян- варь ойида эса йиллик экспортнинг ҳажми 45 фоизга камайдган.

Инқироз шaroитида молия-банк соҳаси муҳим ўрин тутди. Япония банки 2010 йилгача молия инсти- тутларидан банкрот бўлган компа- ниялар акцияларини сотиб олишға 10 млрд. доллардан ортқ маблағ ажратишға қарор қилди. Ўтган йил- ning октябрь-декабрь ойларида эса Япония ҳукумати томонидан 760 млрд. долларлик, яъни ЯИП 2 фо- изини ташкил этувчи акцилинқироз лойиҳалар қабул қилинди.

Одатда ишдан бўшатилганлар- ning қўнчилиги иш берувчиға те- гишли ётқонларда яшаган. Ҳуку- мат ҳар бир ишдан бўшатилган ҳо- лдининг ярим йил давомида ана шундай ётқонда яшаб туриши учун иш берувчиларға ҳар ойда 400 дан 600 долларгача тўлаш мажбу- риятини ўз бўйича олмоқда. Иш- дан бўшатилган шахс янги уй-жой излаганда, унга янги квартирга кириш ҳамда дастлабки шaroитлар яратиш учун паст фоизли (йилға 1,5 фоиз) кредитлар ажратилади. Ушбу мақсадларға қўп миқдорда

қилади. Хитой ҳукумати 2020 йилгача АЭС қувватини 8 ма- ротабаға оширилиши ҳақида эълон қилди. Япония эса эко- логик жиҳатдан энг хавфсиз АЭС қуриш технологияларига эга.

Инқироз оқибатида табиати химоя қилиш технологиялари савдо- си ҳам чаққон бўлиши кутилмоқда. Экология химояси билан боғлиқ па- тентлар сони бўйича Япония АҚШ ва Европа давлатларидан 2-3 мартаға ошиб кетган. Экин майдонлари чега- раланган Япония қилшқ ҳўжалги маҳсулотларининг экологик жиҳат- дан тозаллиги ва сифати юқорилиги ҳисобига бу турдаги маҳсулотлар экспорт ҳажминини 5 йилда 4,3 млрд. долларға оширишға эришиди.

Японияликлар келажқда ишонч билан қарашмоқда. Япониянинг етак- чи газетасида жорий йилнинг 4 фев- раль кунини бир мақола чоп этилиб, унда «Биз нимадан кўржамиз? Япония ички бозорининг ҳажми бўйича дунё- да иккинчи ўринда. Бу Америкаға ўтган асрнинг 30 йилларида рўй берган Буюк депрессиядан кейинги иккинчи синов. Япония эса Иккинчи жаҳон урушидан кейин олдан бошлаб, 70 йиллардаги нефть ва доллар инқиро- злари, 90 йиллардаги ички ва Осиё молия инқирозларидан ижобий нати- жалар билан чиқшға эришди. Иқти- содимиз дунёда иккинчи ўринда! Охи- рги 40 йилда иена долларға нисбатан 4 мартабаға ошди» дейилган.

Юқорида қайд этилган Дастур- лар қандай натижаларға олиб кели- шини, албатта вақт кўрсатади. Жа- ҳон иқтисодининг глобаллашуви на- тижасида, банк-молия инқирозининг салбий оқибатлари барча мамла- катларда сезилиши аниқ деб ҳулоса қилиш мумкин. Лекин иқтисодий ин- қироз нафақат салбий, балки ижоб- ий ўзгаришларға ҳам олиб келиши мумкин. Ишлаб чиқариш модерни- зациялашиши, экологик хавфсиз ва энергияни кам талаб этувчи янги технологиялар жорий этилиши, маҳ- сулотлар нархининг пасайиши, аҳоли истеъмолнинг ва яшаш даражаси- нинг ошишиға олиб келиши шулар жумласидандир.

Элбек ИСРОИЛОВ,
Ўзбекистон Миллий университети
юридик факультети талабаси

Қашқадарё вилоят прокуратураси муассислигида чоп этилган «Адолат кучи» газетаси республикамиз ҳуқуқий нашрлари орасида ўз ўрнини топган газеталардан биридир. Бунинг жамоатчилик ҳам эътирофи эътибордир. Ҳўш, бунинг сабаби нимада? Газетанинг ўтган 2008 йилги таҳлими вақтларига, унинг саҳифаларида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида юз бераётган катта ижобий ўзгаришларни, улкан бунёдкорлик ишларини акс эттирувчи турли материалларни, ҳуқуқий мавзулардаги мақолаларни кўришингиз мумкин.

Борилган. Газетада вилоят прокуратураси раҳбарлари, таркибий тармоқ бош-лиқлари, шаҳар ҳамда туман прокурорлари, судьялар долзарб мавзуларда чиқишлар қилаётганликларини нашрининг мавқеи ва нуфузини оширишти, десак муболага қилмаган бўлмайми. Масалан, вилоят прокурори К.Исмоилов газетанинг 2008 йил 26 июни сонидида «Халқроқ жамият эътирофи эътибори ташқи сиёсат», 7 август сонидида «Одам савдоси — муҳажир жиноят», 4 декабрь сонидида «Инсон ҳуқуқи ва эркинлиги энг олий қадрият» сарлавҳали мақолалари билан чиқиш қилган бўлиб, уларда мустақил мамлакатимизнинг

бўлган ёки муҳожаат жойлардаги ҳоқимликлар ёхуд алоқадор ташкилотларга текширишга юборилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланган ва қаноатлантирилган. Маълумки, хатлар ва фуқароларнинг муҳожаатлари гўёки бир барометр каби халқнинг қувонч ва ташвишларини ўзида акс эттиради, биз улар орқали ҳозирги пайтда одамларни қандай муаммолар бе-зовта қилаётганини билиб оламиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, га-зетанинг ўтган йилги сонларида босилган ақсарият материаллар кўпчилигининг эътиборини тортиди. Шунингдек, «Таҳририятга хатлар», «Аччиқ, аммо очиқ гаплар» рункла-

тартибсизликлар» (2008 йил, 7 февраль), «Бир уй моҳороси» (2008 йил, 17 апрель), М.Муродовнинг «Қаҳратон киш сабоқлари» (2008 йил, 31 январь), «Ёзда ёпинчиғини ташлама» (2008 йил, 4 сентябрь), «Мақтабдаги ўлик жонлар» (2008 йил, 18 сентябрь) каби мақолаларини шулар сирасига қиритиш мумкин. Газетада босилаётган матери-алларнинг таъсирчанлигини таъ-минлаш таҳририятнинг доимий эътиборида турибди. Бу ўринда биргина мисол келтиришнинг ўзи kiffo. М.Муродовнинг «Мақта-бадаги ўлик жонлар» мақоласига те-гишли мутасадди ташкилотлар ўз

«Қишлоқ ҳўжалиғи: прокурор назо-рати», «Маънавийтимиз сарчасма-лари», «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда», «Халқ соғлиғи — юрт бойлиғи», «Саломатлик — ту-ман бойлиғи», «Коммунал соҳа му-аммолари» каби доимий рунклари остида мунтазам равишда бериб борилган. Хуллас, таҳририятнинг ижодий жамоаси газетани ўз вақтида си-фатли ва ўқишли чиқаришга ҳара-кат қилиб, бу борда муайян ютуқ-ларни қўлга киритмоқда. Бунда кей-инги йилларда таҳририятда соғлом ижодий муҳит қарор топганлиғи, ҳодимларга унумли меҳнат қилиш-лари учун барча шарт-шароитлар

ДАВР РУҲИГА ҲАМОҲАНГ

«Адолат кучи» ҳуқуқий газета бўлганлиғи учун ҳам унда ҳуқуқий мавзудаги материаллар асосий ўрнини эгаллашга табиий. Суд-ҳуқуқ ислоҳотида оид, шунингдек, жой-лардаги прокуратура органларининг фаолиятини ёритувчи таҳлилий ма-қолаларни, қизикарли суд очеркларини газетанинг ҳар бир сонидида ўқиш мумкин. Газетада «Ҳуқуқий сабоқ», «Сўраган адингиз...», «Са-вол бering, жавоб берамиз» рун-клари остида газетхонларни қизик-тирган саволларга прокурорлар ва малакали ҳуқуқшуносларнинг жа-воблари доимий равишда бериб

давлат суверенитети ва халқроқ алоқалари ҳамда инсоннинг кон-ституцион ҳуқуқлари қонуниларимиз-да қай тарзда ҳимоя қилинаётган-лиғи ҳақида сўз боради. Ўтган йили таҳририят мушта-рийлардан 640 та хат олди. Фуқаро-лар ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб газетага муҳожаат қилаётганликлари эъти-борга лойиқдир. 2008 йилда таҳририятга 52 та танқидий хат-хабарлар ва шикоят аризалари келган бўлиб, уларнинг кўпчилиғи газетада босилганидан сўнг унда кўтарилган муаммо ҳал

ри остида беришга қатор матери-алларда ҳам аҳолини қийнаётган долзарб муаммолар кўтарилган. Газета журналистлари таҳри-риятга келган сигналлар асосида жойлардаги аҳолини ўрганиб, «Бир хат изидан», «Журналист суриш-тируви» рункларида қатор танқид-дий-таҳлилий мақолалар ёзиш-гани, уларда аҳоли турмуш ша-роитини ахшиллашга оид кўпчилик-ни ўйлантириб турган масалалар дадиллик билан кўтарилганлиғи ва ҳолисона фикр юритилганлиғи эътиборга лойиқдир. Газета муҳ-бири Н.Утаеванинг «Йўллардаги

вақтида жавоб қайтаришмагач, га-зета яна мавзуга қайтди. «Мавзуга қайтиб» рунки остида журналист Н.Ғозиевнинг «Келахка хийнат» (2008 йил, 18 декабрь) сарлавҳали танқидий-таҳлилий мақоласи бо-силгач, ниҳоят газетига жавоб қай-таришни ва мақолада кўтарилган масалаларни ҳал этишни ўзларига эп кўришди. Газета саҳифаларини вақрақ-сангиз, вилоятнинг ижтимоий-иқти-содий ва маънавий ҳаётининг бар-ча соҳаларига оид материалларни топишингиз мумкин. Бу мавзудаги материаллар «Қарор ва ижро»,

яратилганлиғи, уларнинг малака-сини оширишга, моддий-маънавий рағбатлантиришга алоҳида эъти-бор берилиб, муассис — вилоят прокуратураси билан яқин алоқда баҳамжихат иш олиб борилаёт-ганлиғи катта аҳамият касб этмоқ-да. Муассис ўз нашрининг фаоли-ятига раҳбарлик қилиб, газетани шу куннинг устувор вазифалари сари йўналтириб турибди. Бу эса эришилаётган муваффақиятлар-нинг асосий омилдир.

Акмал АСРОРОВ,
Бош прокуратура бўлим катта прокурори

ТАБАРРУК ЁШИНГИЗ БИДАН!



Умрини ватанимизнинг бахту саодати учун бахшида қилган нурунийларнинг иззатини жойига қўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир. Инсон умри мисли йилдирим. Зумда ўтиб кетади. Унинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, доимо олға интилиб яшаган инсоннинг эл орасида ҳурмат-эътибори баланд, мартабаси улуг бўлади. Бу мартабага эришиш учун эса қанчадан-қанча доволарни босиб ўтишга тўғри келади. Ана шундай касб-корнида ҳурмат топган, шоғирдлари, оиласи даврасида иззат-икромли инсонлардан бири Аҳмад-жон Сабиrowдир. Кўп йиллик умрини юртимизнинг раванқига бахшида қилган Аҳмад-жон ака ҳозирда 75 ёшини қарши оляпти.

Аҳмад-жон ака 30 йилга яқин Хоразм вилоят прокуратураси тизимида ишлади. Жумладан, вилоят прокурорининг ёрдамчиси, бўлим прокурори, Хива ва Гурлан туманлари ҳамда Урганч шаҳар прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Хоразм вилоятида қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ёш ҳодимларни тарбиялашдаги меҳнатлари ҳўкуматимиз томонидан доимо эътироф этиб келинган.

Ишлаш даврида меҳнатсеварлик, ташкилотчилик ва хизмат бурчиға сadoҳатли бўлиш каби инсоний фази-латлари билан ҳўкумни муҳофаза қилиш органлари ҳамда жамоатчилик орасида ҳурмат қозонди.

Айни дамда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Урганч шаҳар бўлими кенгашининг раиси лавозимида фаолият кўрсатиб кела-ётган Аҳмад-жон аканинг нурунийларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлари ҳам таҳсинга лойиқдир.

Кўп йиллик меҳнати ҳўкуматимиз томонидан муносиб баҳолалиб, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсат-ган юрист» унвони ва медаллар билан тақдирланган.

Табаррук ёшни қаршилаётган Аҳмад-жон акага тан-сиҳатлик, оилавий тотувлик, хонадонига файзу барака тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази

Инсоннинг ҳаётда яшайдан мақсади ўзидан яхши ном қолдириш бўлса, унинг умр йўли ёш ва келахка авлод учун бевосита ўрганиш мумкин бўлган ибрат мактаби бўла олади. Шундай ҳаёт мактабини яратя олганлар орамизда азиз инсон сифатида қадрланади, ҳурмат ва эътиборда бўлади-лар. Элимизда ажойиб удумлар, анъаналар мавжудки, улар бевосита тарбия ва ахлоқ билан уйғунлашиб кетган. Бинобарин, кексаларга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлишлик болалиқдан уқтириб келинади. Ва бунинг инъикоси халқимизнинг кекса-ларига бўлган муносабатида акс этади.



ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ҳам таҳрибали, ўз касбининг фидойи инсонлари бўлиш фахрийлари билан ҳамшира гуруҳлиги келган. Чунки улар юқорида айтилгани-дек, йиллар давомида юрт учун хизмат қилиб, эндиликда кексалик гаштини сурмоқдалар. Улар ҳамшира раҳбарият эъти-борида. Масалан, барча йиллардаги каби 2008 йилда ҳам Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази томонидан прокуратура фахрийлари-га моддий ва маънавий мадад бўлиш, уларнинг ҳолидан мунтазам хабардор бўлиб туриш мақсадида тадбирлар ре-жаси ишлаб чиқилганди. Шунга кўра, прокуратура органлари фахрийларини тиббий кўриқдан ўтказиш, лозим бўлса шифохоналарга ётқизиш, санаториялар-га жойлаштиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Ўтган йили Республика Бош прокуро-рининг саяё-ҳаракати билан фахрийлар-нинг доимо йиғилиб, бир-бирлари билан кўришишлари, фикр алмашилари учун

янада қулай шароит яратиш мақсадида яна бир эзгу ишга қўл ўрлиди. 2008 йил 10 октябрда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчи-лик Маркази янги, барча имкониятларга эга бўлган мухташам бинога кўчиб ўтди. Марказ биносининг очилишида иштирок этган фахрийлар кўрсатилаётган ҳурмат ва эътиромдан мамнун эканликларини билдиришди. Прокуратура органларида хизмат қи-лаётган ёшларнинг касб маҳорати ва ма-лакасини ошириш, ўз ишини мукамал ўрганиб, ётуқ мутахассис сифатида шак-лланишига, ёзуға юклатилган вазифалар-ни виждонан адо этишига эришиш мақ-садида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ҳамда жойларда тингловчилар ва ёш мутахассислар билан ҳуқуқ-тартибот со-ҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган проку-ратура фахрийлари ўрчушувлари, даяра суҳбатлари ўтказиб келинди.

Марказнинг иш режасига асосан 2008 йил мобайнида Бош прокуратура, Таш-

кент шаҳар, Қорақалпоғистон Республи-каси, вилоятлар ва уларга тенглашти-рилган прокуратура раҳбариятлари то-монидан прокуратура органларидан фақага чиққан 29 нафар фахрийнинг та-баррук ёшга тўлиши муносабати билан Бош прокуратура ва Марказ номидан улар хонадонларига бориб табрикланди. Уларнинг юбилейларини ўтказишда Рес-публика «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Жумла-дан, узоқ йиллар прокуратура органлари-да хизмат қилган И.Йўлчиёвнинг 80 ёши «Нуроний» жамғармаси ҳомийлиғида нишонланди.

Фахрийларнинг ҳаёт йўллари ва Мар-каз фаолияти тўғрисида газета саҳифа-ларида мунтазам чиқишлар қилиб бо-рилди. Шунингдек улар 2009 йилда Бош прокуратура муассислигида чоп этилаёт-ган «Huquq» газетасига бепул оубна қилинди.

Ботир КАЛОНОВ,
Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси

Huquq
yuridik gazeta

Та'сисчи:
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Boш muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hoy oti:
Yusupboy G'OIPOV, Bahrididdin VALJYEV, Baxtiyor NAZAROV (Boш muharrir o'rinbosari), Svetlana ORITQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul ko'lib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan ferganishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatish shart. Tijorat ahaliyatiga molik materiallar beshoy ostda chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi muhbir va xabarot agentligida 2007 yil 22 yanvarda O'188-raqam bilan ro'y xatiga olingan.

№108 ko'rsatkichi — 231
ISSN 2016-7617

Buyurtma № — 155, 29 366 nusxada besildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terilish va saqlalend. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: X.NAMIDOV
Nashriyot muhimi: D.ESHMURODOV
Nashriyot muhimi: O.DENOGONOV
Mushahid: A.MUSTAFOEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kofitshigan narxda

Gazeta «Sharq» NMAK bozormonasida ifosat usulida chop etiladi. Korxonalar: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirishi: 21.30.1 345678